

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ

4-курс “Б” талабаси

Гопиров Умиджоннинг

“Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан ва таълим тарихи (XII –  
XV асрлар)” мавзусидаги

5120300 – Тарих(мамлакатлар ва минтақалар бўйича)таълим йўналиши  
мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олиш учун

**БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Раҳбар:

Мирзаев А.

Андижон - 2015 йил

## МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3-7
I – боб. Дастлабки университетларнинг вужудга келиши.....	8-27
II – боб. Университетларнинг ташкилий тузилиши.....	28-45
III – боб. Университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши.....	46-53
IV – боб. Ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши.....	54-59
Хулоса.....	60-64
Фойдаланилган адабиётлар.....	65-66

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Битирув малакавий иши **мавзусининг долзарблиги** шу билан белгиланадики, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ҳолда янгича, ҳаққоний ва ҳолислик билан ёритиладиган булди. Шу қатори жаҳон халқлари тарихини ҳам мазкур омилларга амал қилган ҳолда ўрганмоқдамиз.

Юртбошимиз Ислон Каримов 1998 йил 14-июлда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва етакчи журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда тарих фани, унинг бугунги аҳволи ва истиқболини чуқур ташкил этиш ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу йўналишда тарихчи олимлар олдига қатор вазифаларни қўйди. Президентимиз:”муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак”, - деб таъкидлади<sup>1</sup>. Ушбу вазифалардан энг муҳими - янги жамиятимизни ислоҳ, қилиш ва янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, ҳозирги давр талаби асосида янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, муҳими, улар онгига миллий истиқлол, Ватанга садоқат ва юртпарварлик ғояларини янада чуқурроқ, сингдириш ва теран англантишдан иборатдир.

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида шундай ёзади:” Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.”<sup>2</sup>. Мунтазам ўзгариб турадиган тарихий жараёнлар шароитида “Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан ва таълим тарихи(ХII-ХV асрлар)” мавзусибўйича,дастлабки университетларнинг вужудга келиши,

---

<sup>1</sup>И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Тошкент,”Шарқ” НМК,1998,28-бет.

<sup>2</sup>Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, ”Маънавият”, 2008, 105,119-бетлар.

университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши каби масалаларини ўрганиш, муҳим аҳамият касб этади.

**Битирув-малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Ишнинг мақсади дастлабки университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши каби масалаларини ўрганиш масалаларини ёритиб беришдан иборат бўлади.

Ишнинг мақсади **қуйидаги вазифаларини** сўзсиз ижросини талаб этади:

Дастлабки университетларнинг вужудга келиши масаласини баён этиш;

Университетларнинг ташкилий тузилиши жараёнини таҳлил қилиб чиқиш;

Университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши;

Ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши каби масалаларни таҳлил этиш;

**Амалий аҳамияти.** Мавзунинг аҳамиятлилиги шундан иборатки, дастлабки университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши сингари масалаларни ўрганишни аҳамиятини кўрсатишдан иборат.

Муаммонинг **тарихшунослиги**, “Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан ва таълим тарихи(ХII-ХV асрлар)” мавзусини баён этишда республикамиз мустақилликка эришганидан кейинги йиллар мобайнида мамлакатимизда ва чет элларда чоп этилган дарслик, ўқув қўлланмаларидан, шунингдек ахборот-ресурс марказларида сақланаётган мавзуга доир илмий адабиётлардан ҳамда интернет материалларидан имконият даражасида кенг фойдаланишга ҳаракат қилдик. “Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан ва таълим тарихи(ХII-ХV асрлар)” мавзусини ёритувчи бу материалларда, дастлабки

университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши масалалари муаммоли равишда баён этилган. Мавзуга оид асосий ишларнинг кўпчилиги XX асрнинг иккинчи ярмида нашр этилган.

Мазкур мавзунинг ўрганилишида бир қатор Россиялик тарихчиларнинг асарлари мансуб бўлиб, булардастлабки университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши масалаларини кузатиш имконини беради. Бундан ташқари, муаллифларнинг Европа минтақасида “Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан ва таълим тарихи(XII-XV асрлар)” мавзусини ўрганишга қизиқишларини фаоллашганидан далолат беради. Мазкур мавзунини ёритишда россиялик тарихчилар асарларидан фойдаланилди. Ушбу асарлар, мавзу бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўрта асрларда Европанинг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий тузуми тарихи жараёнини ёритувчи ишлар сарасига киради.

Шунингдек, ушбу мавзунини ўрганишда ҳолисона ёритилганлиги, мазкур мавзунини ўрганишда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтиш мумкин.

**Тадқиқот предмети.** Тадқиқотнинг **предметини** дастлабки университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланишимасалалари таҳлил этиш ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқотнинг **объекти**, ўрта асрларда Ғарбий Европада университетларни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар,университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши масалаларида ўтказилган чора – тадбирлар,

шунингдек Ғарбий Европа давлатлари ва католик черковининг мазкур мавзуга оид ички ва ташқи сиёсати масалалари ҳисобланади.

Ишнинг **хронологик чегараси**: Ғарбий Европада XIIасрдан бошлаб то XV асрнинг охирига қадар, ривожланган феодал муносабатлар шароитида дастлабки университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши масалалари ўз ичига олади.

Мазкур ишнинг **методологик асоси**ни илмий англаш, билиш назарияси ташкил этиб, бунинг бош, асосий принципини объективлик, тарихийлик, шунингдек ижтимоий-сиёсий амалиёт билан алоқаси ташкил этади. Мустақилликка эришилгач, тарихий жараёнга янгича илмий услублар билан ёндашадиган бўлди<sup>3</sup>.

Малакавий ишнинг **холисоналиги**, барча тарихий фактларни аниқ ҳисобга олиш, шунингдек, тадқиқотларни манбавий асосини таҳлил этишдан иборат.

Тарихий воқеа-ҳодисалар ва фактларга доир манбаларни таҳлил этишда цивилизациявий нуқтаи назар қўлланилди. Бу ҳолат эса Ғарбий Европада ўрта асрларда феодал муносабатларнинг ривожланиши даврида дастлабки университетларнинг вужудга келиши, университетларнинг ташкилий тузилиши, университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши масалаларини ўрганишга эътибор қаратиб, маданий-этнографик, географик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Мазкур битирув малакавий ишида талаба томонидан тадқиқотнинг **махсус илмий усуллари**дан фойдаланилган: бунга манбаларни ўрганиш ва таҳлил этишда муаммаоли хронологик, тарихий-таққослаш, даврлаштириш,

---

<sup>3</sup>Жалилов С. Ватанимиз тарихини varaқлаб(Тарихчининг ўйлари). – Андижон, "ANDIJON NASHRIYOT-MATBAА" OAJ, 2004, 8-бет.

муҳимлилиги, тизимли – тузилишлилиги, статистик, шунингдек дедукция, индукция, анализ ва синтез каби билишнинг умумий илмий усуллари киради.

Битирув малакавий ишининг манбавий асосини россиялик муаллифларнинг тадқиқотлари, монографиялари ва ўқув қўлланмалари ҳамда интернет материаллари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг **назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, мазкур иш, баён қилинган мавзуга махсус равишда бағишланган бўлиб, у Ғарбий Европанинг ривожланган ўрта асрлар давридаги ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва сиёсий тузуми тарихини ўрганишга ўз ҳиссасини қўшади.

**Битирув-малакавий ишининг тузилиши.** Мазкур битирув малакавий ишининг тузилиши қуйидагиларни: кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловани ўз ичига олади.

Мазкур битирув - малакавий иши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 9-июндаги 225-сонли бўйруғи, талаблари асосида бажарилган.



## **I – боб. Дастлабки университетларнинг вужудга келиши.**

XII аср Европа тарихида муҳим марра ҳисобланади. Бу вақтга келиб бир катор илғор мамлакатларда ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши амалга ошириб улуғурган эди. Тез фурсатларда ривожланаётган шаҳарларда техника тараққиётида муваффиқиятларга эришилди, товар ишлаб чиқариши ва пул муомаласи юзага келди. Шаҳар аҳолисини ўзини ўзи англаши ва ижтимоий фаоллигини ўсиши, шаҳар доираларини, католик черковининг бойликлари ва сиёсий таъсирига қарши норозиликларида намоён бўлди. Шаҳарларнинг тараққий этиши билан бирга феодал жамиятининг ақлий талабларида ҳам муҳим силжишлар бўлиб ўтди.

Муқаддас жойларга бориб зиёрат қилувчи, сайёҳ зиёратчилар – пилигримлар ва савдогарлар томонидан очилган йўлларда, янги йўловчилар – сайёр школяр(вагант)лар пайдо бўлди. Уларнинг илм излаб, юртма-юрт кезишдан мақсадлари, Франция ва Италиядаги мактаблар бўлиб, бу жойдаги машҳур ўқитувчилардан, олдиларига ҳаёт қўйган саволларга жавоб топиш бўлган. Бу ёшларнинг ақлий қизиқишларининг доираси жуда кенг бўлган.

Бу даврдаги шаҳар аҳолисига хос бўлган ҳаётни фаол идрок этиш ва ақл-идрокка асосланиб фикрлашни дастлабки куртаклари, атроф олам қонунларини англашга интилишни келтириб чиқарди. Франциядаги Шартр шаҳри мактаблари олимлари, библиядаги оламни яратилиши тўғрисидаги афсонага ишониш билан бирга, антик муаллифларни Оламни атомлардан тузилгани тўғрисидаги таълимотни қўшиб олиб боришган. Италиядаги Салерно мактабларида черков таълимотига бутунлай қарама-қарши равишда одам анатомияси ва физиологиясини тузилиши тўғрисидаги тасаввурлар юзага келди, булар эса амалий медицинани тез фурсатларда раванк топишини белгилаб берди. Болонья мактабларида, шаҳар эҳтиёжларига бевосита боғлиқ тарзда рим ҳуқуқи қайтадан юзага келди, бунда шаҳар аҳолиси оддий товар ишлаб чиқарувчиларни савло муносабатларини тартибга соладиган тайёр ҳолдаги ҳуқуқ нормаларини топишди. Шу билан

бир вақтда шаҳарликларнинг билимга интилишлари, антик дунёвий адабиётга қизиқишни черков томонидан белгиланган чегарасидан ўтиб кетди. Бу қизиқишларнинг марказидан бири айнан ўша Шартр шаҳри бўлди, у жойда Бернард Шартрский ва Гильом Коншскийларнинг ўқувчилари грамматика билан шуғулланиш вақтида антик шеърят асарлари билан танишганлар ва қадимги давр тарихчилари ҳақида маълумотга эга бўлишган. Келгусида Орлеан мана шундай марказ бўлиб қолди, адабиётдаги шухрати ва шеърятга бўлган қизиқиши учун бу шаҳар Парнас деб ном олди. Бу вақтда Пьер Абелярнинг асарларида черковнинг обрўси ва нуфузига қаршилик кўрсатиш яққол намоён бўлди.

Шаклланаётган университетларнинг марказлари, Европа худудига Сицилия ва Толедо орқали кириб келган грек-араб фалсафаси ва фанининг таъсирига мойил эканлиги маълум бўлди. Бу интеллектуал(маънавий) оқимда, грек ва араб тилларидан таржима қилинган Аристотел(Арасту)нинг асарлари, асосий ўринни эгаллаган. Узоқ ўтмишнинг мутафаккири, хурфикр(эркин фикрловчи) бу одамларнинг иттифоқчисига айланди. Аристотелнинг обрўсига таяниб, улар черков билан мубораза(яккама-якка кураш)га киришдилар ҳамда оламнинг яратилиши ва руҳнинг абадий(мангу)лиги тўғрисидаги диний ҳақиқатларни танқид остига олишга уринишди.

Илм йўлида стихияли(тартибсиз) равишда амалга оширилган бундай зиёратларнинг натижасида, шаҳарликлар, майда рицарлар ва руҳонийларнинг қуйи тоифаси вакиллари орасидан келиб чиққан ёшларнинг, Болонья, Париж, Монпелье, Оксфорд ва бошқа шу каби айрим мактабларнинг марказларини атрофида тўпланишида намоён бўлди. Ижтимоий хизматлар ва оддий хавфсизликни йўқлиги, шаҳарларнинг хокимияти билан маҳаллий черковлар ўртасида адоват ва душманликнинг мавжудлиги, ўқитувчиларни ҳамда уларнинг ўқувчиларини бир-бирларига ёрдам бериш ва ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш мақсадида ассоциация(университас)ларга бирлашишга

мажбур этади. Хунармандчилик ва савдогарларнинг гильдия(ўрта асрларда Гарбий Европада йирик савдогарлар ёки хунармандлар бирлашмаси )лари намунасида уюшиб, бу уюшмалар корпоративликка эришишга, яъни олий хокимият томонидан тасдиқланган: умумий мулк, сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларга, ассоциация аъзоларининг ўзлари томонидан тузилган статут(низом, устав)ларга, мухри, ўз судига эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлишга интиланган. Бу ҳуқуқлар учун кураш ўн йиллар мобайнида давом этди, “университет” атамасига худди “коммуна” сўзи сингари, ёмон кўз билан, совуқ муносабатда қаралган. “Университет” атамаси дастлаб фақат студентларнинг уюшмаларига тааллуқли бўлган, ўқитувчиларнинг уюшмалари эса “коллегия” деб номланган. Университетларнинг тузилиши, ташкил топишини илк даври, келгусида унинг тарихида чуқур из қолдирди. Айнан мана шу даврдан бошлаб студентларнинг бирдамлиги ва эркин фикрлаш анъаналари, ўзини-ўзи бошқариш, талабалар орасида ватан(юрт)дошлар уюшмаларини ўзини-ўзи бошқариш мухторияти сингари расм-русумлари давом этиб келмоқда. Университетларнинг XIII-XIV асрларда, келгусидаги ривожланиши шу нарса билан белгиланадики, феодал жамиятнинг асосий сиёсий кучлари уларнинг мавжудлигини тан олишди ва университетларнинг фаолиятдан, ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланишга иштирилишди.

Илк университетлар тарихига оид муҳим муаммолардан бири, католик черкови, император ва қирол хокимиятлари томонидан уларни тан олиниши масаласи ҳисобланади.Биз таъкидлаб ўтаётган маданий ҳаракат, афтидан, XIII асрдаёқ ортга қайтмас жараён белгиларига эга эканлиги кўриниб қолди. Шаҳар ҳаёти тараққ ий топган мамлакатларда бошланиб, бу жараён келгусида у ёки бу даражада бутун Европа бўйлаб ёйилди. 1265 йилдаёқ Болонья шаҳридаги университетда 13 та ватандошлар уюшмалари мавжуд бўлиб, унинг таркибига католонияликлар, гасконияликлар, венгер, поляк, шунингдек, герман уюшмаси бўлиб, унинг таркибига чехлар, фламандлари, литваликлар ва данияликлар кирган. XIV асрда яшаб ўтган замондош киши,

Прага университетининг машҳурлиги тўғрисида қолдирган ёзма баёнида, университет тарбиялаб етиштирган кишилар орасида, поляклар ва словаклар, прусслар ва руслар, Скандинавиялик мусофирлар ва Рейн қирғоқларида яшовчи аҳоли вакиллари бўлганлигини маълум қилган. Маданий соҳада бўлиб ўтган олдинга силжишларни аҳамиятини бекиёс эканлиги тўғрисида студентлар уюшмаларининг сон жиҳатдан ўсиб борганлиги ҳам гувоҳлик беради. Агарда, болоньялик ҳуқуқшунос Одоферд, XIII аср бошларида Болонья университетида 10 мингта студент таълим олган деб гувоҳлик бериб таъкидлагани бўрттириб кўрсатилган деб ҳисоблансада, студентларнинг рўйхатларини ўрганишга асосланган қўйидаги ҳисоб-китоблар ҳеч қандай шак-шубҳа уйғотмайди: фақат 1289 йилдан 1299 йилга қадар Болонья университетидаги герман уюшмасига 533 нафар студент қўшимча равишда рўйхатга олинган бўлса, XIV асрнинг дастлабки ўн йиллиги мобайнида эса, яна 1259 нафар студент рўйхатга олинган. 1367 йилда Париждаги тўртта студентлар уюшмаларидан фақат биттасидаги (француз ёки галл) талабаларнинг сони 654 нафарга етди.

Европа университетларидаги студентларнинг миқдорий таркиби.

#### Университетлар

Йил-лар	Прага университети (Чехия)			Краков университети (Польша)		
	Студентлар	Бакалаврлар	Магистрлар	Студентлар	Бакалаврлар	Магистрлар
1399-1408	4000	852	182	904	95	20
	Гейдельберг университети (Германия)			Кёльн университети (Германия)		
	Студентлар	Бакалаврлар	Магистрлар	Студентлар	Бакалаврлар	Магистрлар
1466	140	65		824	60	65

Университетларни тан олинишининг муҳим сабаби, шубҳасиз, улар ҳам черков учун, ҳам давлат учун зарур бўлган. XIII – XV асрларда, ривожланган ўрта асрлар даврини кириб келиши ва марказлашган монархия давлатларининг ташкил топиши билан, юқори малакали ҳуқуқшунос, йилномачи ва дипломатия соҳаси учун мутахассисларга бўлган талаб ортиб борди. Католик черкови тажрибали ва ўқимишли воиз, дин тарғиботчиларига, черков ҳуқуқини билимдонлари ва шу кабиларга эҳтиёж сеза бошлади. Оддий халқ тарафдорларининг раҳнамолари, худо ўз бандаларини тенг қилиб яратгани ҳақидаги ғоялари билан бир қаторда, барча фуқароларни тенглиги, ҳатто бир қадар мулкӣ жихатдан тенглиги тўғрисидаги ғояларни ҳам илгари сурди. Бюргерлар(Германия ва бошқа баъзи мамлакатлардаги шаҳар аҳолиси)нинг назариётчилари ҳам католик черковини қаттиқ танқид қилади ва ҳатто папа ҳокимиятини таҳдид остига олди. Бундай шароитларда ҳам черков, ҳам давлат тенг даражада шу нарсага интилишдики, янги университетларда ўқимишли руҳонийлар, кадр(етук ходим)лари тарбияланиб, уларнинг асосий вазифаси, келгусида халққа ҳокимият тепасида турганларни илоҳий, юқоридан эканлигини тушунтиришдан иборат эди. Шу билан бирга, қирол ҳокимияти ҳам, черков ҳам, янги муассасаларнинг авторитети(обрў-эътибори, нуфузи) ва етук ходимларини ўзларининг сиёсий мақсадлари учун фойдаланишга интилишди.

Дунёвий ва диний ҳокимият ўртасидаги сиёсий курашга университетларни жалб этишга уриниш энг аввало Италия негизида, Штауфенлар билан папалар ўртасидаги тўқнашувларда, кўринди. Келгусида эса улар, бутун Ғарбий Европа бўйлаб кенг кўламда намоён бўлди, модомики, қирол ҳокимияти ҳамма жойда шаклланаётган марказлашган давлатларнинг зарурати учун, папалик эса – ўзининг теократик (диний ҳокимиятни дунёвий ҳокимиятдан устунлиги) дастурини ҳаётда амалга ошириш учун, университетлардан фойдаланишга интилган.

Бу ҳолат университетларнинг келгусидаги тақдирида намоён бўлмасдан қолмади. XVI аср бошларига қадар Европада вужудга келган 79 та университетлардан 50 нафарига расман папалар томонидан асос солинган эди.

Католик черкови улкан ўқув материални танлаш ва канонизация(қонуний тасдиқлаб амалга жорий этиш, рухсат бериш) қилиш вазифасини ўзига олди ва сўнгра барча университетларда ўқитиладиган бўлди. Танлаш жараёни кескин курашларда бўлиб ўтди, унинг давомида черков, университет илм-фанининг дастлабки вакиллари билан бир қаторда Аристотель(Арасту)нинг “Метафизика” сини ҳам гулханга ташлади. Ўша пайтдаги амалий эҳтиёжларга кўп жиҳатдан жавом берган юридик(ҳуқуқшунослик) ва медицина(тиббиёт) факультетларининг фаолият юритиши масаласида мурасага келган черков асосий зарбасини “эркин санъат” лар факультетларига қаратди, чунки XIII-XIV асрларда айнан улар эркин фикрлашнинг марказлари сифатида қолаверди.

“Ҳар кимки билса, барчанинг ўқитувчиси”га айланиб улгурган Аристотелнинг асарлари соддалиги ва тушунарлилиги ҳамда машҳурлиги туфайли, черков унинг асарларини ўрганиш учун рухсат этишга мажбур бўлди. Бироқ, рухсат берилганидан кейин ҳам теолог(илоҳиётчи, дин бўйича мутахассис) ва логик(мантиқчи)ларнинг Аристотель фалсафасини христиан черкови традиция(анъана, расм-русум)ларига бўйсундириш учун кўп сонли уринишлар бўлиб ўтди, унинг фалсафасидаги жонсизни олиб, жонлини йўқ қилишган. Шу билан бирга черков, университетлар ақлий ҳаёти марказини теология(илоҳиёт) ва диний ҳуқуқлар факультетларига кўчиб ўтишига эришишга уринди.

Университетлар тарихини бошланғич давридаёқ черков ёзувчилари, ўз таълимотларининг система(тартиб)га солиш ва оммалаштиришга интилишиб, диний ҳақиқат тўғрисидаги фикрга қатъий ишонтириш учун Абелярнинг асарларида шаклланган ҳақиқатни исботлашни диалектик усулидан

фойдаланишди. Масалан, болоньялик рухоний Грациан томонидан 1140 йилда канон(диний, муқаддас, қоидага айланган) ҳуқуқни система(тартиб)га солиш(Грациан ва унинг давомчиларини асарлари канон-диний ҳуқуқ факультетларида асосий ўқув матни ҳисобланган) ва Абелярнинг шогирди, ажойиб, мисли йўқ “Сентеций” ларнинг (Сентенцийлар библияга қўшиб университетларнинг илоҳиёт факультетларида ўқитилган)муаллифи Петр Ломбард(1106-1164) томонидан худо ва троица(христиан динида ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳдан иборат ягона худо) ҳамда илоҳий тақдир(қисмат) тўғрисидаги таълимотни асослаш учун ушбу усулдан фойдаланди.

Юзлаб олимлар, черковни манфаатларини ва феодал оламини тинчлигини кўзлаб, ақл-идрок ва эътиқод ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида, университетларда меҳнат қилишди. Бироқ улар университет илм-фанини унинг ўзига хос бўлган мураккаблик ва антогонизм(келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилиқ)лардан маҳрум қила олмади. Бу ҳолатлар университетларда сақланиб қолиб, рухонийлар, рицарлар ва шаҳар аҳолисининг билимга бўлган қизиқишларига, ҳатто расмий мафкурага ҳам таъсир кўрсатишда давом этди. XIII-XIV асрларда “эркин санъат”лар факультетлари, рационализм(тафаккурни ҳиссий тажрибадан ажратиб кўядиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий оқим) ва эркин фикрлашнинг марказлари бўлиб қолаверди. Абеляр вақтидаги сингари, Европанинг барча чеккаларидан барча ёшлар оммасини ҳуқуқшунослик ҳамда тиббиёт факультетлари сингари ўзига “тузоқ ва занжир” сингари жалб этадиган дунёвий фанлар муҳим аҳамият касб этди. Тиббиёт ва ҳуқуқшунослик сингари амалий фанлар, илоҳиёт фанлари билан бемалол рақобатлаша олган.

Шаклланиб улгурган университетларнинг ташкилий тузилиши маълум билан қарама-қаршиликлари билан ажралиб турган. Папанинг Болонья ва Париж университетларига нисбатан бўлган муносабатини таққослаганда шу

нарса маълум бўладики, дастлаб папалик уларнинг мухториятига эҳтиёткорлик билан, хавфсираб қаради ва бу ташкилотларнинг демократик анъаналарини йўқ қилишга уринди. Масалан, Гонорий III 1217-1224 йилларда Болонья университети студентлари уюшмаларининг мустақиллигини рағбатлантирди ва шу билан бир вақтда, 1222 йилда Париж университетида студентларнинг йиғилишлар ўтказишларини тақиқлади ва хатто 1225 йилда уларнинг мухрини, мустақиллик белгиси сифатида синдириб ташлаш тўғрисида буйруқ берди.

Келгусида эса, университетларга нисбатан папаликнинг сиёсати ўзгарди. Бунинг учун, папа Григорий IX нинг 1231 йил 13 апрелдаги машхур булласи "Parens scientiarum" ўзига хос бўлиб, у Париж университетини мухториятини ва маҳаллий ҳокимиятларга қарши иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқини тасдиқлаган, Бонифаций VIII нинг тутган нуқтаи назари ҳам худди шу сингари бўлган, у 1301 йилда Болонья университетида ректорни уларга содиқлик тўғрисида қасамёд қилишини талаб қилиб маҳаллий ҳокимият билан бўлиб ўтган баҳс-тортишувларда, студентларни қўллаб-қувватлаган. Ушбу сиёсатда, папаликнинг маҳаллий дунёвий ва диний ҳокимиятларнинг аралашувидан университетлар уюшмаларининг мустақиллигини сақлаб қолиш, турли имтиёзлар орқали уларни жамиятнинг қолган қисмидан ажратиб қўйишни пайига тушганлигини кузатиш мумкин.

Амалда эса университетларнинг эркинлигини сақлаш Римнинг мақсади бўлмасдан, балки уларга ўзининг таъсирини ўтказишни воситаси бўлган. Маҳаллий ҳокимиятларни четлаб ўтиб, папалик, шахсан ўзи университетларга раҳбарлик қилишга интилди, ва айтиш лозимки, бунда маълум бир натижаларга эришди. Фақат Гонорий III ўзининг 10 йиллик понтификатлиги мобайнида 82 марта Париж университетининг ишларига аралашди, папа Григорий IX 1227 йилдан 1241 йилга қадар университет ишлари юзасидан 46 та фармойиш чиқарди, Александр IV эса 1254 – 1261 йиллар мобайнида университетлар бўйича 87 та фармойиш қабул қилди. Рим

куриясини(Рим папаси хокимиятининг марказий органи) университетлардаги мавқеини мустақкамлаш мақсадида, черков томонидан ўқитувчи ва талабаларга бенефиций(инъом, хайр-саховат)лар бериш тизими улкан аҳамиятга эга бўла бошлади, бу эса университетлар аъзоларини папаликдан моддий жиҳатдан қарамга айлантириб қўйди. Бу ҳолат шунга олиб келдики, илоҳиёт факультетларида, каноник(диний) ва бир қадар фуқаролик ҳуқуқи факультетларида, келгусида олий диний иерархия(табақа) сафларини тўлдирадиган кишилар таълим-тарбия ола бошлади.

Папалик, ўз хокимиятининг универсал хусусиятга эгалигидан фойдаланиб, бир университетда даража олган магистрга, келгусида бошқа университетларда ҳам дарс беришига рухсат этиш ҳуқуқини ўзига ўзлаштириб олди. Шу ҳолатни таъкидлаш лозимки, папалик бу ҳуқуқни инъом этишда ўзбошимчалик, зўравонликка йўл қўйган: Европадаги энг дастлабкиларидан ҳисобланган Оксфорд университетига ҳеч қачон “барча жойда ўқитиш ҳуқуқи” берилмаган. Кембридж университети эса фақат 1318 йилдагина бу ҳуқуқни қўлга киритди. Рухонийлар орасидан тайинладиган канцлер(олий мартабали рухоний) ва имтиёзларни асровчи(консерватор)лар, университетларда папаликнинг вакиллари ҳисобланган. Қашшоқликда яшовчи диний орденлар вакиллари ҳам папаликнинг манфаатларини ҳимоя қилган бўлиб, уларни университетларда фаолият кўрсатишлари бу жойларда илмий салоҳиятни пасайтириб юборган. Нихоят, агарда талабалар ва уларнинг ўқитувчилари бўйсунмасдан қўйган тақдирда, уларни университетдан четлатиш тизими ҳаракатга келтирилган. Шундай қилиб, Римдан бошқарилган католик черкови, университетларни ўзига бўйсундирилган ҳолда тутиб туриш учун барча чора-тадбирларни кўрган.

Бироқ, бу ҳолат барча жойда ҳам амалга ошмаган, чунки кирол ва император хокимияти, шаҳар коммуналари ҳам университетларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилишган. Шаҳарлар, папалик ва дунёвий хокимият олдидаги ўз ҳуқуқларини назарий жиҳатдан асослаш учун

университетлардан фойдаланишга уринишган. Шаҳарлар хазинасидан профессорларга маош, иш ҳақи тўлаш орқали университетлар билан шаҳарлар ўртасидаги иттифоқлар мустаҳкамланган.

Қирол ҳокимиятини университетларга нисбатан бўлган қизиқишлари тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар, Фридрих Барбаросса томонидан 1158 йилда Болонья университетига тақдим этилган ёрликҳамда Филипп II Августни 1200 йилда Париж университетига топширган ёрлиғи бўлиб, бу билан европа ҳукмдорларининг “университет” сиёсатига асос солинган. Университетлар, феодал тузумга ғоявий қарши чиқиш кўринишлари билан курашга бошчилик қилиши масаласида черков билан батамом келишиб олган дунёвий ҳокимият, шу билан бир вақтда, айнан университетлар, рим ҳуқуқи нормаларига таяниб, қиролларни “юстинианча беайблиги” ни асослашлари ва феодал зодагонлари ҳисобига қирол прерогативасини, агар зарур бўлса, католик черковини мавқеини кенгайтиришга кўмаклашиши лозим эди.

Университет талабалари орасидаги кўплаб одамларга, бошқарув органларидаги маъмурий ва суд ишларига оид лавозимларни қирол ҳокимияти, ҳар доим бажонидил тақдим этган. Шунинг учун ҳам қирол ҳокимияти, XIV аср ва XV аср бошларида университетларни қироллик миллий муассасаларига айлантиришга интилди. Ҳақиқатда ҳам, марказлашган давлатларнинг тараққиётида юз берган ижобий силжишлар, амалда университетларни миллий маданиятларни ривожланишидаги оқимга солди.

Қирол ҳокимияти ҳам, католик черкови ҳам, шаҳарлар ҳокимияти ҳам университетларни моддий жиҳатдан тўла кўллаб-қувватлашга қодир бўлмаган. Университетлар дастлабки вақтларда узоқ вақтга қадар, ўзларининг хусусий бинолари, кутубхоналари, талаба ва ўқитувчиларни яшашлари учун турар-жойларига эга бўлмаган. Шунингдек, шуни кўзда тутиш лозимки, XIII асрнинг ўрталарида, черков бенефицийлари ёки дунёвий ҳокимият томонидан бериладиган маош ёрдамида университетлар

Ўқитувчиларининг иш ҳақини тўлашни маълум бир тизими мавжуд эди. Кўплаб университетларда, ўқитувчининг талаба билан тузган хусусий шартномаси асосида маош тўлаш тизими сақланган эди. Статутларнинг варақларини гувоҳлик беришича, XIV асрда айрим маърузалар учун нархлар таксацияси(баҳоаларни белгилаш) мавжуд бўлиб, талабалар буларга амал қилишлари керак бўлган. Университетлардаги кўпчилик ўқитувчиларнинг иш ҳақлари, черков ёки дунёвий хоқимият томонидан эмас, балки талабаларнинг тўловлари(контракт) ҳисобига амалга оширилган. Айнан мана шу ўқитувчилар, уларнинг олимлиги ўзлари кўзлаган манфаатларни ва жамиятда уларга юқори мавқени келтирмагани учун, оппозиция кайфиятдагиларни қарашларини ифодаловчиларга айланишди.

Университетларни вужудга келиши билан феодал жамиятга биринчилардан бўлиб студентлар кириб келди. Феодал давр студентлари кўплаб тилларда сўзлашувчи оммадан иборат бўлиб, улар ҳар бир университет доирасида миллати ва келиб чиққан яшаш жойлари бўйича ажралиб туришган. Студентлар жамоалари иерархия(тоифа)лардан иборат бўлиб, бу ҳолатни олий таълим тўғрисидаги ҳозирги тушунчалардан келиб чиққан ҳолда, англаш бироз мушкул бўлади. Ушбу иерархия поғонасидаги энг қуйи даражани санъат факультетларининг студентлари эгаллаб, буларда учта юқори даражали илоҳиёт, ҳуқуқшунослик ва тиббиёт факультетлари учун бўлғуси студентлар тайёргарлик ўташган.

Юқори даражали факультетларнинг студентлари, уларнинг айримлари санъат факультетларида ўқиб даражага эга бўлиб, шунингдек ҳам ёшини катталиги, ҳам ижтимоий мавқеини юқорилиги билан, артистлик факультетларида ўқиётган ўзларининг касбдошларидан ажралиб туришган. Студентлар кенг миқёсдаги хилма-хил ижтимоий қатлам эканлиги билан ажралиб туришган. Университетларда кўп сонли руҳонийлар вакиллари бўлиб, улар кўпинча черковда юқори лавозимларни эгаллашган. Шунини айтиш кифоя қиладики, XIII-XIV асрлардаги деярли барча папалар ўз касб йўлини

университетларда илоҳиёт ёки ҳуқуқшунослик факультетларида бошлашган. У вақтларда университетларда феодал зодагонларнинг вакиллари кам сонли бўлган, ушбу ҳолат уларни ҳаёт тарзидаги консерватизм(эскиликни ёқлаш, эскиликка ёпишиб олиш, янгиликка душманлик, мутаасиблик) билан изоҳланиб, улар университет маълумотига эга бўлмасдан ҳам давлат хизматида юқори лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлишган.

Студентлар орасида шаҳар муҳитидан келиб чиққанлар кўп бўлган. Масалан, Прага университетини санъат факультетида имтиҳон топширувчилар, 1399-1408 йилларда Прагаликлар 12,5 % ни, Чехияни қироллик шаҳарларидан келиб чиққанлар – 26% ни, чех шаҳарлари фуқаролари – 28, 57% ни ташкил этган. Барча университетларда анча кўп сонли камбағал студентлар бўлган, улар “қашшоқлик тўғрисидаги имтиёзлар” га кўра ўқишга кириш ва бошқа пул тўловларини амалга оширишмаган. Лейпцигда 1409 йилдан 1419 йилгача бундай студентлар 18% ни, Кёльнда 1395 дан 1465 йилгача 16% ни ташкил этган. Париж университетидаги англиялик студентлар орасидаги бакалаврлардан 17% и 1425 дан 1494 йилга қадар камбағаллиги туфайли барча тўловлардан озод этилган, 46,84% и энг кам тўловни амалга оширган, 26% и эса ўртача тўловни амалга оширган.

Студентларнинг ёзган хатларининг намуналаридан маълум бўлишича, уйдан жўнатилган ёрдам ва хайр-саховат ҳамда эҳсон кўпчилик студентлар учун яшаш воситаси бўлган. Студентларнинг айрим тоифасини қирол хоқимияти моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Масалан, Англияда Генрих III нинг ҳукмронлиги вақтида, қироллик хизматида ўзини кўрсатган рицарларнинг фарзандлари, қиролнинг қариндошлари ва Генрих III билан сиёсий иттифоқ тузган бошқа мамлакатлар(масалан, Сицилия)дан келган мусофирлар, қиролнинг моддий ёрдамидан фойдаланишган. Бироқ, ушбу ҳолатларда ҳам ёрдам доимий ва пул тарзида бўлмаган, балки вақти-вақти билан қилинадиган инъом-ҳадя(овланган қуш гўшти ёки қироллик

ўрмонларидан келтирилган ёқилғи - ўтин)дан иборат бўлган. Студентларнинг бир қисми черков бенефицийларидан фойдаланишган.

Илмий даражаларни бериш махсус сайлаб қўйиладиган магистрлар томонидан амалга оширилган. Бироқ, илмий даража олган шахслар, бундай ташқари, черков ҳокимиятидан “”ўқитиш ҳуқуқи” ни олиши лозим бўлган. Болоньяда архидиакон, Парижда эса кафедрал черков канцлери томонидан рухсат этилган.

Шундай қилиб, университетларнинг вужудга келиши билан феодал жамиятнинг маданий ҳаётида ортга қайтмас силжишлар юз берди. Европада дунёвий интеллигенциянинг шаклланишини узоқ ва мураккаб жараёни бошланди, черков эса ўзининг таълимга бўлган монополияси(танҳо ҳуқуқи) ни йўқота бошлади. Феодал Европасининг ижтимоий ҳаётида университетларнинг мавқеи ортиб борди. Университетлардан маълумотли рухонийлар ва давлат амалдорлари етишиб чиққан. Университетларда турли халқларнинг фарзандлари ва турли авлодларнинг вакиллари таҳсил олган. Бу таълим масканларидаги мутафаккирларнинг илғор ғоялари таъсири остида XIII-XV асрлардаги илғор фан ва ижтимоий тафаккур ривожланди.

Ўрта асрлар мактаби антик даврдан мерос қолганди. Унинг асоси «етти эркин санъат» деб аталган. Мактабнинг биринчи поғонасида: грамматика “барча фанларнинг онаси” ҳисобланган, диалектика расман мантиқий билимлар берган, фалсафа ва мантиқ асослари, риторика эса аниқ, равон дона-дона қилиб гапиришни ўргатарди. Математика, арифметика, мусиқа, геометрия ва астрономия билим олишнинг иккинчи давраси ҳисобланарди.

Ўрта асрлар маданияти хилма-хиллиги билан фарқ қиларди ва янги замон маданиятининг яратилишида муҳим роль уйнади. Ўрта аср Европаси олий таълим шакли бўлган университетларни ташкил қилди. Бу университетларда ўша вақтнинг ҳамма маорифи тўпланган бўлиб, у черков-диний масалалар билан чекланмаган эди. Қадимги фалсафа, айниқса Аристотелнинг асарлари,

Рим ҳуқуқи, лотин адабиётларини ўрганиш ўрта аср фанларининг антик дунё фанлари билан боғлиқ эканлигидан дарак беради<sup>4</sup>.

Ғарбий Европада XII—XIII асрларда иқтисодий ва маданий юксалиш бошланди. Шаҳарлар тараққиёти, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши европаликлар дунёқарашининг кенгайишига ёрдам берди. Салиб юришлари даврида Византия ва Араб халифалиги маданиятлари билан танишув Ўрта аср маорифининг камол топишини рағбатлантирди. Ўрта аср мактабларининг сони ўсиб, таълим тизими такомиллашиб борди. Мактаблар: - монастирлар, шаҳар соборлари(кафедрал) ва приход(маҳалла) – мактабларига бўлинган. Шаҳарларнинг ўсиши билан хусусий ва шаҳар кенгашлари ҳамда гильдиялар томонидан очилган мактаблар кўпайди. Уларда черков мактабларига нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ билим берила бошланди. Мактабларда таълим лотин тилида олиб борилган, фақат XIV асрда миллий тилларда ўқитиладиган мактаблар пайдо бўлди.

Европанинг йирик шаҳарларида XI асрдан бошлаб, кафедрал мактаблар умумий мактабларга айланиб, уларнинг негизида эса олий мактаблар — университетлар очила бошлади. Университет (лотинча сўз бўлиб, «мажмуа» маъносини англатади) умумийлик маъносини бериб, унда турли соҳалар бирлаштирилгани туфайли шундай деб аталган. XII аср охирида биринчи университет Болоняда очилди, кейинчалик университетлар XIII асрда: Монпеле, Палермо, Париж, Оксфорд, Салерно, Саламанка ва бошқа шаҳарларда ташкил топди. Умуман, XV асрга қадар Европа мамлакатларида 60 га яқин университет очилган.

Ўрта асрларда олий таълимни ўрта махсус таълимдан ажратиш тизими шаклланмаган эди. Ўқувчи одатда, бошланғич мактабда лотин тилини ўргангач, 15-16 ёшида университетга ўқишга кирган. Университет қуйидаги:

---

<sup>4</sup>Фомченко А.П. “Ўрта асрлар тарихи” курсига доир методик кўрсатмалар. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1973, 100-101 бетлар.

санъат факультети(бу факультет одатда ўрта мактаб вазифасини бажариб тайёрлов курси ҳисобланган) ва урта юқори – ҳуқуқ, тиббиёт ва илоҳиёт факультетларидан иборат бўлган. Санъат факультети кейинчалик фалсафа факультети деб номланиб, у жойда етти эркин фанлар: дастлаб тривиум – грамматика, риторика, диалектика, сўнгра эса квадриум – арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа ўқитилган<sup>5</sup>.

Университетлар юридик, эркин бошқарув(маъмурий) ва молиявий мустақиллик ҳуқуқларига эга бўлиб, бу ҳақдаги ёрлик қирол ёки Рим папасидан олинди. Университетлар мустақиллиги, унинг ички ҳаётида тартиб-қоидаларга, интизомга қаттиқ риоя қилиши билан мужассамлашган. Университет факультетларга бўлинган. Энг қуйиси артистлик(лотинча *artes* - санъат) факультети бўлиб, унда ўқиш барча студентлар учун мажбурий бўлиб, ушбу факультетда “етти эркин санъат”(грамматика, риторика, диалектика ёки логика, арифметика, геометрия, география, астрономия ва мусиқа) тўла ҳажмда ўқитилиб, сўнгра ҳуқуқшунослик, тиббиёт ва илоҳиёт факультетлари бўлган(илоҳиёт факультети барча университетларда ҳам мавжуд бўлмаган). Ўрта асрлардаги энг йирик университет Парижда бўлган. Унга 1257-йили француз қироли хонадони руҳонийси Робер де Сорбон асос солган. Демак, ҳозирги кунга қадар машҳур Сорбонна университети шу тариқа ташкил топган. Ғарбий ва Марказий Европалик талабалар шунингдек Испания ва Италияда таълим олишган. Кордова, Севиля, Саламанка, Малага ва Валенсиядаги мактаблар ва университетларда фалсафа, математика, медицина, астрономия, Болоня ва Падуяда эса ҳуқуқ бўйича кенг ва чуқур билимлар берилган.

Университетда алоҳида фан ўқитувчилари йиғилиб ўз бирлашмаларини, факультетларни тузиб, унга декан сайлаганлар. ўқитувчи ва студентларнинг умумий йиғилишида университет раҳбари — ректор сайланган.

---

<sup>5</sup>Советская историческая энциклопедия. В 16-ти томах. Т.14, Москва, 1973, стр. 808

XIV-XV асрларда университетларнинг географияси анча кенгайди. Коллегиялар(коллеж сўзи шундан олинган) анча ривожланди. Дастлаб студентларнинг ётоқхонаси мана шундай деб аталди, лекин коллегиялар аста-секин машғулотлар, маърузалар, очик мунозаралар марказларига айланди. 1257-йили француз кироли хонадони руҳонийси Робер де Сорбон асос солган коллегия ҳам аста-секин ўсиб, кенгайиб бориб, ўз мавқеини мустаҳкамлади, унинг номи билан бутун Париж университети номлана бошлади.

Ўрта аср университетларида дарс латин тилида олиб борилган. Университетда дарс беришнинг асосий усули профессорлар маърузаси эди. Илмий алоқа қилишнинг тарқалган шакли, илмий тортишув ёки очик мунозаралар бўлиб, бундай илмий тортишув ва очик мунозаралар вақти-вақти билан теология-фалсафий мавзуларда бўларди. Илмий тортишувларда асосан университетларнинг профессорлари қатнашардилар. Лекин схола(студент)лар учун ҳам шундай илмий тортишувлар ўтказилиб туриларди(схолалар – студентлар schola латинча сўз бўлиб, мактаб демакдир).

Университетлар, Ғарбий Европада дунёвий интеллигенциянинг шаклланиши жараёнини, жадаллаштирди. Университетлар, билимларнинг ҳақиқий ўчоғи бўлиб, жамиятнинг маданий тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Бироқ XV асрнинг охирларига бориб, университетлар аристократлашди, яъни унда аслзодалар сони кўпайди, у жойдаги студентлар, ўқитувчи(магистр)лар ва профессорларнинг кўпчилигини жамиятнинг имтиёзли табақалари вакиллари ташкил этди. Бирмунча вақт консерватив кучлар университетларда устун келди<sup>6</sup>.

Мактаб ва университетларнинг кўпайиши китобга бўлган талабни кучайтирди. Илк Ўрта асрларда китоб қимматбаҳо буюм бўлиб, уни пергаментга — бузоқ терисидан тайёрланган махсус варақларга хаттотлар

---

<sup>6</sup>История средних веков: В 2 т. Т.1: Учебник. – М.: Изд-во Моск. Ун-та: Наука, 2005, с. 595

ёзишган. XII асрдан китобатда алоҳида устахоналар очилиши уларнинг бирмунча арзонлашувига олиб келди. XIV асрдан қоғознинг кенг қўлланилиши эса, уни яна ҳам кўпроқ чиқаришга ёрдам берди. Қоғоз Хитойдан мусулмон давлатлари, жумладан, Самарқанд орқали Европага кириб келди. Испанияда дастлабки қоғоз устахоналари XII асрдан ишга тушган. Кейинчалик, XIV асрдан Италияда қоғоз ишлаб чиқариш соҳаси кенг ривожланди. Европадаги дастлабки устахоналар қоғозни эски латталардан қилишган.

Германияда 1445-йили Иоганн Гуттенберг китоб босиш дастгоҳини кашф этди. Унинг кашфиёти китобнинг оммавий тарқалишига имконият яратиб, Европа маданий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келди. XII асрга қадар китоблар асосан черков кутубхоналарида мужассамланган бўлса, XII-XV асрларда эса университетлар, қиролларнинг саройлари, йирик феодаллар, руҳонийлар ва бадавлат шаҳарликларда ҳам кўп сонли кутубхоналар пайдо бўлди.

Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан тузилган рим ҳуқуқлари тўпламини узоқ вақтга қадар бепарволик билан ўрганилмагани, XII аср бошларида Болоньяда рим ҳуқуқига қизиқиш юзага келганида, графиня Матильданинг илтимосига кўра Ирнерий исмли киши Юстиниан тўпламини қайтадан тўплаб, тиклагани маълум қилинади. Шунинг негизида Болонья университети вужудга келди.

Италиядаги Салерно шаҳрида жойлашган тиббиёт мактаби мазкур соҳага оид кучли мутахассисларни ўқитиб, етиштириши билан донг чиқарган эди<sup>7</sup>. Шунингдек, Франциядаги Монпелье шаҳрида жойлашган тиббиёт мактабида ҳам тажрибали мутахассислар тайёрлангани 1137 йилдаги ёзма манбада баён этилган. Унинг негизида Монпелье университети ташкил топди.

---

<sup>7</sup> Арнольд из Виллановы. Салернский кодекс здоровья. Приложение. М., изд-во «Наука», 1970, с.77

Христианлик Ўрта асрлар маданияти ва бутун маънавий ҳаётининг ғоявий негизи бўлган. XI-аср схоластикани кенг интеллектуал ҳаракат сифатида юзага келиши пайти бўлди. Схоластика номи латинча schola(мактаб) сўзидан келиб чиқиб, “мактаб фалсафаси” маъносини англатади. Схоластика – илоҳиётдан келиб чиқадиган ва у билан чамбарчас боғланган фалсафа бўлиб, унинг моҳияти, христианликнинг догматик қарашларини мантикий нуқтаи назардан мулоҳаза қилишдан иборат. Dogmatizm - бу ақидаларга, моҳияти текширилмай-нетмай қабул қилинаверадиган қоидаларга кўр-кўрона ишониш маъносини англатади.

XII асрда схоластикадаги турли йўналишларнинг қарама-қаршиликларидан черковнинг нуфузига очикдан-очик қаршилик кўрсатиш ўсиб чиқди. Унинг ифодаловчиси Петр Абеляр(1079-1142) бўлиб, уни замондошлари ўз даврининг энг доно кишиси деб аташган. Абеляр ўсмирлигидаёқ очик илмий мунозарада ўша пайтдаги Шампо вилоятилик машҳур философ Гильомни енгиб чиққан. П.Абеляр танаффуслар билан 1102 йилдан 1136 йилга қадар Париж университетида дарс берган, бироқ Элоиза исмли аёл билан бўлиб ўтган машъум ишқий саргузаштлар ва ҳолатлар уни Париж университетини умрбод тарк этишга мажбур қилди. Ўрта аср мистикасининг ёрқин вакиллари билан бири бўлган Бернард Клервоский Абелярнинг муҳолифи бўлиб чиқди. Мистицизм-бу табиатдан ташқари сирли олам борлигига ишонишдан иборат диний тасаввуф ҳисобланади. XII асрда мистика схоластика доирасидаги кучли оқим бўлди. Бернард Клервоскийнинг фалсафий мистикаси дунёвий адабиётда ҳам акс этди. Бироқ Абеляр билан Бернард Клервоскийнинг фалсафий тўқнашувларининг моҳияти уларнинг фалсафий қарашларининг бир-бирларига тўғри келмаслигида эмас, балки Абеляр черковнинг нуфузига қарши ҳаракат қилувчи гуруҳларнинг қарашларини гавдалантирган бўлса, Бернард Клервоский эса черков ташкилотини ва тартибларини ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлиб чиқди. Натижада

Абелярнинг қарашлари 1121 ва 1140 йиллардаги черков йиғилишларида қораланди, унинг ўзи эса умрини охиригача монастирда яшади<sup>8</sup>.

Фалсафада грек-рим меросига қизиқишнинг ошиб боргани қадимги мутафаккирларни янада чуқур ўрганишда акс этди. Аввало Аристотелни, шунингдек Евклид, Птоломей, Гиппократ, Гален ва бошқа муаллифларнинг грек ва араб қўлёзмаларида сақланиб қолган асарлари латин тилига таржима қилина бошланди. Юқоридаги асарларни арабча шарҳи муаллифи араб мутафаккири Аверроэс(Ибн-Рушдий)нинг давом эттирувчилари, Париж университетининг санъат факультети ўқитувчилари, фалсафани унга илоҳиётнинг аралашувидан халос этишни талаб қилишди. Аслида улар ақл-идрокни эътиқоддан ажратиш фикрида қаттиқ туришди. Аверроэс тарафдорлари Сигер Брабантский ва Боэций Дакийский оламни абадийлигини таъкидлашиб, унинг яратилганини ва ҳар бир инсон руҳининг ўлмаслигини инкор этишди. Уларнинг таълимотлари католик черкови томонидан қораланди.

XII-XIII асрларда Европанинг ақлий ҳаётига юнон-араб маданияти кучли таъсир кўрсатган. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Корпус Абир ибн Хайённинг кимёга доир турли асарлари XII-XIII асрларда арабчадан латинчага таржима қилинган.

Буюк ватандошимиз ал-Хоразмийнинг “Арифметика” асарини XII аср бошларида, 1126 йилда эса “Астрономик жадваллар” асарини Бат шаҳрилик Аделяр исмли киши арабчадан латинчага ўгирган. “Алгебра” асарини эса Англиянинг Честер шаҳрилик Роберт исмли киши 1145 йилда арабчадан латинчага таржима қилган.

Араб халифалиги даврида фаолият юритган ал-Розийнинг кимёга доир асарларини, келиб чиқиши Франциядаги Кремон шаҳридан бўлган Герард

---

<sup>8</sup>Петр Абеляр. История моих бедствий. М., изд-во «Наука», 1959, с. 44-45

исмли киши, XII асрда Толедо университетиде арабчадан латин тилига таржима қилган, 1279 йилда Сицилияда “Тиббиёт энциклопедияси”(юнон муаллифларининг тиббиёт бўйича асарларидан компиляция) асарини Мусо Фарохий исмли киши арабчадан латинчага ўгирган, “Олмонзорнинг китоби” асарини эса Кремен шаҳридан бўлган Герард исмли киши XII асрда Толедода арабчадан латинчага таржима қилган.

Буюк ватандошимиз ал-Фаробийнинг Аристотелнинг “Табиат тўғрисида” ги китобидан парчаларни юнончадан арабчага ўгирган асарини, Кремен шаҳридан бўлган Герард исмли киши XII асрда Толедода, арабчадан латинчага таржима қилган.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн-Синонинг “Даволаш китоби(Китаб ал-Шифо)” асарини физика ва фалсафага оид бўлимини, Севилиялик Иоанн исмли киши XII асрда Толедода арабчадан латинчага таржима қилди. “Даволаш китоби(Китаб ал-Шифо)” асарини минералларга оид қисмини Серешел шаҳридан бўлган Альфред исмли киши 1200 йилда Испанияда арабчадан латинчага ўгирган. “Канон врачебной науки” асарини эса Кремен шаҳридан бўлган Герард исмли киши XII асрда Толедода арабчадан латинчага таржима қилган.

## II – боб. Университетларнинг ташкилий тузилиши.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек Болонья ва Париж университетлари Европадаги бошқа университетлар учун намуна ва ўрнак вазифасини ўтаган. Ўрта аср университетларида талабаларнинг умумий йиғилишларида ректор лавозимига сайланган киши диний унвон ёки даражага эга бўлиши лозим бўлган, чунки дунёвий ректорнинг, университетдаги руҳоний ўқитувчи ва талабаларни устидан судлов ишларини олиб боришга ҳуқуқи бўлмаган. Университетдаги бошқа лавозимларга ҳам сайлаш ҳуқуқи талабаларга тегишли бўлган. Талабалар дастлаб профессорларни ҳам лавозимга сайлашган, чунки уларга маош талабалар томонидан шартнома асосида тўланган. Бироқ кейинчалик, профессорларга иш ҳақи шаҳар ҳокимияти томонидан тўлана бошлагач эса, талабалар томонидан профессорларни сайлаш ҳуқуқи бекор бўлди. 1420 йилда Болонья университетидаги 21 нафар ҳуқуқшунос-профессор ўқитувчилардан фақат бир нафари университет томонидан сайланиб, қолганлари эса шаҳар ҳокимияти томонидан маош тўланадиган лавозимга тайинланган. Аммо, талабаларнинг ихтиёрида университетнинг олтига алоҳида кафедралари ўқитувчиларини сайлаш ҳуқуқи қолди, бу лавозимларга болоньяликлар сайланмасдан, фақат ажнабийлар сайланган, шунингдек сайланадиган ўқитувчилар докторлик даражасига эга бўлиши мумкин бўлмаган, сайланадиганлар эса келгусида илмий даражага эга бўлиш мажбуриятини олишган. 1399 йилда Падуя шаҳри ҳокими Франциск Каррариа, юридик факультет талабаларига нархи 500 дукат турадиган уйни тортиқ қилди ва келгусида бу жой университетнинг биносига айланди<sup>9</sup>.

Париж университети еттита юридик бирликлардан: теология(илоҳиёт), ҳуқуқшунослик ва тиббиёт факультетлари, тўртта миллатларнинг уюшмаларидан яъни санъат факультетидан иборат бўлган. Санъат

---

<sup>9</sup>Суворов Н.С. Средневековые университеты. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012, с.109

факультети юқоридаги учта факультетлар олдида қуйи поғона ҳисобланиб, ушбу учта факультет учун номзод талабалар тайёрлайдиган факультет вазифасини ўтаган. Санъат факультетнинг бошлиғи дастлабки вақтларда ректор деб аталган, кейинроқ эса университет раҳбари ректор деб аталадиган бўлган. Юқори турган учта факультетларнинг раҳбарлари эса декан деб аталган. Париж университетида ректор лавозимига доимо тайёрлов факультети вакилларидан сайланган, бунда юқори турган учта факультетнинг ўқитувчилари иштирок этишмаган. Италия университетларидан фарқли равишда Франциядаги Париж университетида талаба ва ўқитувчиларнинг умумий йиғилишларида сайлаш ҳуқуқига фақат ўқитувчилар эга бўлган. Ҳар бир ўқитувчига маълум миқдорда талабалар бириктириб қўйилган бўлиб, ўқитувчилар ўзига бириктирилган талабаларнинг алоҳида рўйхатини тузиб, уларнинг таълим-тарбиясини назоратини олиб боришган. Тайёрлов(санъат) факультетида дарс берадиган олий илмий даражага эга ўқитувчилар – магистр деб аталган, юқоридаги учта факультетлардаги ўқитувчилар эса докторлар деб аталган, бироқ илмий даражалар бир хил бўлгани ҳолда, қайси факультетда дарс беришига кўра ўқитувчилар, магистр ёки доктор деб номланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Париж университетида ректор фақат санъат факультети вакилларидан сайланган, мубоддо ректор юқори турган учта факультетнинг докторлик даражасига эга бўлишни хоҳласа, ўз ваколатини бўйнидан соқит қилиши лозим бўлган. Шунинг туфайли ректор унвони ва даражаси жиҳатдан, юқоридаги учта факультетнинг деканларидан пайтроқда турган. Санъат факультетининг устунлиги шунда кўринадики, университетнинг умумий йиғилишларида юқори турган учта факультет биттадан овозга, шунингдек санъат факультетидаги тўртта миллат вакиллари ҳам биттадан овозга эга бўлиб, овоз беришда санъат факультети бир овозга кўпчилиги билан устунлик қилган. Ректор мажлисни ўтказган ва унда раислик қилган. Университетнинг йиғилишларида турли масалалар муҳокама этилган. Масалан, 1333 йилда университетдаги кўпчиликни ташкил этувчи тўртта

миллат вакиллари вилоятлар бўйича бўлиниши, 1356 йилда эса кўпчиликни ташкил этувчи миллатлар ўртасидаги меъёрлар бекор қилинди. Париж университетининг ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчилари томондан 1340 йилда қабул қилинган қарорга кўра, ҳар бир талаба илм олишни “эркин санъат”ни англаб етишдан бошлаши лозим бўлган<sup>10</sup>. 1389 йилдаги умумий йиғилишда эса, теология факультетини тамомлаган бакалаврлар, лицензия олгунларига қадар Парижда яшаб туришлари шарт эканлиги белгиланди. Айрим масалалар факультетлар ҳамда айрим миллатлар вакиллари ўртасида олдиндан муҳокама қилиниши ҳолатларига ҳам йўл қўйилган бўлиб, шундан кейингина университетнинг умумий йиғилишида ягона қарор ёки фармойиш қабул қилинган. Факультетлар мустақил уюшмалар ҳисобланиб, ўзларининг конунлари, мансабдор шахслари, ўз муҳри, мулки ва даромадига, ўз байрамларига эга бўлган. Мободо университетдан бирор жойга вакиллар ёки элчилар юборилиши лозим бўлган тақдирда, фавқулодда тарзда университетнинг умумий йиғилишини чақиришга тўғри келган. Факультетларнинг уюшмаларини ўзлари ҳам унчалик бой ташкилот бўлмаган. Уларнинг айримлари унчалик қиммат бўлмаган уй-жойларга эга эди. Масалан, Парижни ёнидан ўтган Сена дарёси ёқасидаги авлиё оталар кўчасидан то ногиронлар эспланада (ҳиёбонли кенг кўча) си бўйлаб жойлашган кенг ўтлоқ майдонлар санъат факультетига тегишли бўлган, бироқ XVII асрга қадар ҳеч қандай даромад келтирмаган, шу туфайли зарур ҳолларда харажат қилиш учун факультет бўйича маблағ тўплашга тўғри келган. Умуман олганда эса, факультетнинг асосий даромад манбаи, илмий даража олиш учун ҳар бир даъвогардан ҳар бир синов учун олинадиган такса (қатъий белгиланган тўлов) ҳисобланган. Ушбу маблағларнинг катта қисми ўқув биноларини ижара ҳақи, қурилиши ва таъмирлаш ишлари, шунингдек ибодат учун сарфланган. Даромадларнинг

---

<sup>10</sup> Степанова В.Е. и Шевеленко А.Я. История средних веков (XV–XVII вв.). Хрестоматия. ч. II. М., “Просвещение”, 1974, стр. 60.

харажатлардан ортиб қолган қисми, айниқса санъат факультетида магистрлар ўртасида тақсимланган ва кичкина қовоқхона ёки майхоналарда сарфланган.

Рим папалари томонидан қабул қилинган кўпчилик буллалар университетларнинг, айниқса Париж университетининг фаолиятига тааллуқли бўлган. Ушбу ҳужжатларда, университетнинг епископлар ва қирол ҳокимияти билан муносабатлари, шунингдек университетни бошқаришдаги ички қоидаларни тартибга солган. 1260 йилга қадар Париж университетининг фаолиятига таллуқли бўлган 140 дан ортиқ папалик буллалари қабул қилинган. Кейинчалик эса университет ишларининг ривожланишида, қиролнинг ва айниқса парламентнинг таъсири яна ва янада кучайиб борди. Париж университетига папа ва унинг легати(Рим папасининг дипломатик вакили) дан бошқа, университетдаг ташқарида турган ҳокимият вакиллари: қирол, қирол амалдорлари, парламент, париж епископи ва бошқалар таъсиркўрсатган, гоҳо улар ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтган.

Бизга маълумки, талабалар ижарага яшайдиган квартира масаласи, ҳар доимо папаларни ҳам, қиролларни ҳам, шаҳарларни ҳам эътиборини ўзига тортган, ва дастлаб, папалар ҳамда қиролларнинг фармойишлари асосида ёки университетларнинг шаҳарлар билан келишувларига биноан фаолият юритган алоҳида квартира комиссиялари томонидан ҳал этилган. Кейинчалик ушбу масалани келтириб чиқарган эҳтиёж, коллегияларни вужудга келишига олиб келди. Коллегиялар, шунингдек, ёшларни кўчанинг ахлоқий бузуқликларидан, қисман эса университет таркибига киритилган монахлик орденлари мактаблари талабалари таъсиридан асраш мақсадида ҳам ташкил этилди. Француз университетлари орасида Тулуза университетига италия университетларининг таъсири кучли бўлган. Монпелье шаҳрида эса иккита университет, яъни тиббиёт ҳамда ҳуқуқшунослик университетлари ташкил топди. Ҳуқуқшунослик университети ректорининг 12 нафар маслаҳатчилари бўлган. Ректор бошқа

илмий даражали докторларга нисбатан юқори унвонли ҳисобланган ва шунчалик обрўга эга бўлганки, XVI асрда ректор кўчаларда бир гуруҳ талабаларнинг кузатувида юрган. Ҳар иккала университетда, ҳам тиббиёт ҳамда ҳуқуқшунослик университетларида илмий даража олиш масаласи епископнинг маъқуллашига боғлиқ бўлган.

Англиядаги Оксфорд ва Кембриж университетлари миллий университетлар ҳисобланган, холбуки Ғарбий Европа континентидаги бошқа университетларда кўплаб ажнабий талабалар таҳсил олишган. Масалан, Болонья университетида германияликлар, Париж университетида эса германиялик ва италияликлар таҳсил олишган. Масалан, қуйидагиларни эслаб ўтиш етарли: Парижга Алберт Буюк Германиядан, Фома Аквинский Неаполдан, Петр Ломбард Наваррадан, Роберт Пулл Англиядан келган. Ҳатто император Фридрих II ҳам ўзининг давлат университетига узок мамлакатлардан олимларни, масалан, Петр Ирландиялик кабиларни ўқитувчиликка таклиф этган. Англия университетларида эса яшаш жойларига кўра, шимоллик ва жанубликларга ажратишган. XIII асрда Оксфордда кўплаб хусусий мактаблар бўлган, талабаларнинг кўпчилик қисми пансионларда, яъни ўқувчиларни ётоқхона, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлайдиган, ўрта ўқув юртларида таълим олишган. Бу пансионлар эгалари талабаларга таҳсил берадиган ўқитувчиларни ахтариб топишга уринишган. XIV асрдан бошлаб пансионлар ўрнини, талабаларга стипендия тўлаб ўқитиладиган коллегия(коллеж)лар эгаллай бошлади. Бу коллегиялар, хайр-садақа ва васият қилинган ер-мулклар ҳамда маблағлардан олинадиган даромадлар ҳисобига фаолият юритган. Англиядаги ўзига тўқ, бой зодагон атоқли оилалар вакиллари, коллегияларни ташкил этиш ва таъминлашда муҳим ўрин эгаллашган. Уларга бу ишда коллегияларга қисман, монастырлар ҳамда аббатликлардан хайр-садақа қилинган ер-мулклар ҳамда маблағлардан олинадиган маблағлар ҳам, рақобатдош бўлган. Реформация даврида черковга қарашли ер-мулкларнинг бир қисми ўзлаштирилгач, ушбу рақобатга барҳам берилди. Англия коллегияларидаги талабаларнинг кўпчилигини ўзига

тўқ, бой ва ўрта ҳол хонадонлар вакиллари ташкил этган. Коллегияларга катта миқдорда назр-ниёз қилингани туфайли бу жойларда таълим-тарбия берган магистрлар учун маош тўлаш масаласида муаммолар бўлмаган. Айнан коллегиялар тегизида Оксфорд ва Кембриж университетлари ташкил топди.

Германия университетларидаги санъат факультетлари XVI асрдан бошлаб фалсафа факультети деб номланди. Санъат факультети, университет тизимида энг кўп одам ўқийдиган йўналиш ҳисобланган. Герман ерларидаги энг дастлаб олий таълим муассасаси Прага университети бўлиб, унинг ташкил топишида Париж университети устави аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, Прага университетининг низомлари Лейпциг ва Эрфурт университетларининг вужудга келишида намуна бўлиб хизмат қилди. Ўз навбатида Эрфурт университетининг низомлари Германиядаги бошқа университетларнинг вужудга келишида муҳим ўрин эгаллаган. Прага университети низомларида ректор лавозимига тайинланадиган кишига қуйидаги: никоҳдаги ота-онадан туғилган бўлиши, 25 ёшдан юқори бўлиши, номи бенуксон, доғ тушмаган бўлиши, энг камида қуйи даражадаги диний унвонга эга бўлиши ва илгари роҳиб, монах бўлмаган бўлиши каби талаблар қўйилган. Бироқ ректорни илмий даражага эга бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳеч нарсап айтилмаган. Прага университети ректори факультетларнинг вакиллари томонидан сайланган. Вена университетининг 1365 йилги таъсис ёрлиғига биноан, ректор лавозимига сайланадиган номзод санъат магистри даражасига эга бўлиши лозим эди. Франкфурт университетида эса, доктор ва магистр унвонига эга бўлган ўқитувчиларнинг вакиллари орасидан ректор сайланган. Базель университетининг 1477 йилдаги низомларига биноан, ректор ҳузуридаги бошқарув кенгаши ёки комитети олти нафар аъзодан: юқори факультетлардан икки нафар доктор, санъат факультетидан икки нафар магистр ва икки нафар талабалардан иборат бўлган. Худди Болоньядаги сингари, Базель университетида ҳам янги сайланган ректор қасамёд қабул қилганида барча талабалар иштирок этган.

Айнан мана шу даврда университетларнинг барча ўқитувчи ва талабалари учун рияз этилиши лозим бўлган ритуал(маросим) тартиб-қоидалари вужудга келди. Масалан, Вена университетида, тантанали маросимлар вақтида университет аъзолари қуйидаги тартибда ректорнинг кетидан боришган: 1) теология факультетида дарс берадиган доктор даражасига эга ўқитувчилар ҳамда герцог ва графларнинг шу жойда ўқийдиган ўғил фарзандлари, 2) юридик факультетда дарс берадиган доктор даражасига эга бўлган ўқитувчилар ва олий даражали дворянларнинг шу жойда ўқийдиган фарзандлари, 3) тиббиёт факультетининг доктор даражасига эга ўқитувчилари ва шу жой ўқийдиган майда дворянларнинг фарзандлари, 4) юқори факультетларнинг бирида бакалавр даражасини олган ва санъат факультетида дарс берадиган магистрлар, 5) учта юқори факультетнинг бакалаврлари ва санъат факультети магистрлари даражасига эга бўлган, бироқ дарс бермайдиганлар, 6) санъат бакалаврлари ва юқори факультетларнинг юқори курс талабалари, 7) бошқа барча талабалар юришган.

Доктор ёки магистр даражасига эга бўлган киши, профессор ёки ўқитувчи сифатида талабаларга таълим бериш ҳуқуқига эга бўлган. Дарс ўтиш ҳуқуқига эга бўлган кишига лицензия(дарс ўтиш учун рухсатнома) билан бирга докторлик ёки магистрлик даражаси белгилари ҳисобланган узук ва берет(тўртбурчакли бош кийим) топширилган.

XII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Европадаги бошқа университетлардаги сингари, Болонья университетида ҳам, каноник(диний) ҳуқуқ фанига, теология(илоҳиёт) фанининг тармоғи сифатида эмас, балки рим ҳуқуқига параллел(ўхшаш) тарздаги юриспруденция (ҳуқуқий фан) сифатида қаралган, бошқа ҳуқуқий фанлар ўқитилмаган.

XIII аср бошларида Париж университети ўзининг расмий муҳрига эга бўлиши масаласида, унинг вакиллари билан маҳаллий епископлик ҳамда ҳуқумат вакиллари ўртасида бир неча ўн йиллар мобайнида баҳс-

мунозаралар бўлиб ўтади. Ниҳоят, охир-оқибатда, Париж университетети ўзининг муҳрига эга бўлди: 1252 йилда университет бундай ҳуқуқни папа Иннокентий IV дан олди.

Шу билан бир вақтда, ички ташкилий ишлар жиҳатдан ҳам тадбирлар амалга оширила борган, факультетларни вужудга келиши париж университетини шаклланиши тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Дастлабки факультетлар айнан Париж университетидан, ҳатто Болонья университетидан илгарироқ, вужудга келган бўлиб, кейинчалик бошқа университетлар томонидан ўзлаштирилган. Париж университетидан дастлаб - теология, юриспруденция, тиббиёт ва фалсафа факультетлари – ташкил топган. Мазкур факультетларни ҳар бирининг профессорлари эркин шароитда илмий машғулотлар билан шуғулланиш мақсадида, аввало ўзларини факультетларида алоҳида уюшиб, маълум бир ҳуқуқий жиҳатдан боғланишиб, айрим имтиёзларга эга бўлишган. Париж университетини ташкил топишида муҳим рол ўйнаган, илм-фаннинг турли тармоқлари бўйича магистрларнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Факультетларнинг ташкил топишида тармоқ фанлар ўқитувчиларнинг айрим гуруҳларини бирдамлиги натижасида факультетлар вужудга келган. Масалан, табиийки, теологлар шуниси билан бошқалардан ажралиб туришганки, улар теологияни ўқитиш учун, аввало ваъз айтиш ёки хутба ўқиш ҳуқуқига эга бўлишлари епископга боғлиқ бўлган, бундан ташқари, уларнинг кўпчилигини, обрўли ва нуфузли, 35 ёшдан кичик бўлмаган кишилар ташкил этган. Медиклар эса назарий билимларни беришни эмас, балки аввало, амалиётни биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблашган. Ишни умумий тартибга солиш қоидаларига эҳтиёж туғилганда эса, бунда артистик факультетларнинг ўқитувчи ва талабалари олдинги ўринга чиқишган.

Таъкидлаш жоизки, “факультет”(fakultas) сўзи ўз-ўзидан маълумки, илмий тармоққа нисбатан қўлланиладиган қобилият, айнан тегишли соҳани

ўқитишга бўлган қобилият маъносини англатади. Таъкидлаш лозимки, “fakultas” атамаси, алоҳида илмий тармоқ ёки билим соҳаси маъносида биринчи марта Рим папаси Гонорий III томонидан унинг 1219 йилда Париж университетига юборган мактуби(мурожаат қилиб ёзган хати)да қўлланилган бўлиб, зарур синовларни муваффақиятли топширган талабага мазкур тармоқ йўналиши бўйича ўқиш, билим олишга рухсат этилиши таъкидланган. Санъат факультети магистрларнинг талабига кўра, 1259 йил январь ойидан бошлаб, талабалар ўқишга киргач, бутун факультет олдида қасамёд қабул қилишлари тартиби жорий этилди. Рим папаси Григорий IX томонидан 1231 йилда қабул қилинган булла(фармон), Париж университетининг “буюк хартияси” деб қабул қилинди. Папа булласида, 1222 йилда ўрнатилган тартиб-қоидалар, ҳар бир факультет бўйича алоҳида изоҳланиб, тасдиқланди. Тақдим этилган ваколатларга кўра, ҳар бир факультет, ўзининг тегишли низомини қабул қилиб, унга кўра бакалаврларни ўқитиш усули ва соатларини, илмий мунозаралар, кийиниш, квартираларни нархларини белгилаш, итоатсиз талабаларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш тартиб-қоидаларини белгилаши мумкин эди. Ҳатто бир факультетнинг бошқа факультетнинг ички ишларига аралashi тақиқланган. Айрим факультетларнинг статут(қонун) ва фармойишларидан, университетнинг барча факультетлар учун мажбурий бўлган қарорлари, ажралиб, фарқланиб туриши лозим бўлган; факультет таркибидан талабалик сафидан чиқариш, бутун университет сафидан чиқарилган деб ҳисобланган, аксинча, масалан, теология факультетининг бирор масала юзасидан чиқарилган фикр-мулоҳазаси, бутун университетнинг нуқтаи-назари сифатида қаралган. Факультетларни бошқарувчи шахслар декан (маҳаллий черков округлари бошқарувчиларини номи билан) деб номланди ва ҳар бир факультет ўзининг алоҳида муҳрига эга бўлди. Бу тадбирлар бирданига эмас, балки секин-аста амалга оширилди. Юристар ва медиклар 1267 йилда ўз деканларига эга бўлишди, 1271 йилда юристар, 1274 йилда эса медиклар ўз муҳрларини олишди, 1257 йилда ташкил топган теологлар факультети эса, фақатгина

1296 йилда ўз деканига эга бўлдилар. 1222 йилда Парижда университет талабалари билан маҳаллий ҳукумат вакиллари ўртасида келиб чиққан келишмовчилик, яъни ўқитувчи ва талабаларнинг айрим ижтимоий характердаги талаблари бажарилмагани учун, кейинги ўн йилликлар давомида, кўпчилик ўқитувчи ва талабалар Парижни ташлаб Орлеан, Анжу, Оксфорд, Кембриж ва бошқа шаҳарларга кўчиб кетади, натижада бу жойларда ҳам илмий ҳаёт шакллана бошлади. Папа Григорий IX нинг Париж университетига йўллаган булласи билан бир вақтга, папа Франция қироли Людовик Авлиё номига мактуб юбориб, университет билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этишга аралашшини сўрайди. Қиролнинг аралашуви билан ўртадаги низо бартараф этилгач, Парижга яна илм изловчиларнинг оқими кучайди, уларнинг сони ҳатто 30.000 кишига етади.

Қирол Людовик Авлиё, Париж университети талабаларнинг шаҳар аҳолисининг хонадонларидан кўноқ сифатида фойдаланишларида вақтинча яшашлари учун ижарага олинган квартирани нархини белгилашда ваколатни университетга берди. Монахлар ва рухоний бўлган хонадон эгалари бу ҳолатда итоатсизлик қилишганда ушбу масалага Рим папаси аралшиб университетнинг тарафини олди. Тез орада университет, аудитория ва квартираларни ижарага олиш тартибини белгиловчи қонунни, ишлаб чиқди. Унда белгиланишича, агар шаҳар аҳолиси ўз хонадонида мавжуд бўлган бўш турган хоналарга, университет комиссияси белгилаган нархда ўқитувчи ва талабаларни вақтинчалик яшаш учун ижарага қўймаса, у ҳолда бу хонадон беш йил муддатга “бадном”(infamia) этилади, шу муддат мобайнида университетнинг бирорта аъзоси ҳам, келгусида университетдан аъзоликдан чиқарилиш хавфи остида, ушбу хонадонда ижарада турмайди. Париж университетининг “инфамия”си айнан Болонья университетининг “интердикт”ига ўхшаш тарзда тузилгани билан фарқланиб туради, чунки у жойда ҳам талабани вақтинча яшаши учун ижарага хона берган шаҳар

аҳолисига хонани нархини белгилаш масаласида юқоридаги сингари чора белгиланган.

Оксфорд ва Кембриж университетлари, ҳам вужудга келиш вақти, ҳам черков муассасалари билан алоқалари жиҳатидан, париж университетига яқин турган.

Оксфорд университети XIII асрда англияликлар учун олий илм-фан маркази ҳисоблансада, Париж университетидаги сингари илмий ҳаракат кўзга ташланмайди. Бироқ, XIII асрнинг ўрталарига келиб, Кембриж университети эндиликда илм-фан соҳасида Париж университетининг рақибига айланди. 1209 йилда Кембриж университетининг 3000 нафар магистр ва талабалари вақтинчалик яшаб турган квартиралари учун белгиланган нархнинг юқорилигидан норози бўлиб университетни ташлаб кетишди. 1214 йилда Рим папасининг легати(дипломатик вакили) нинг воситачилигида юқоридаги муаммо ечим топди: унга кўра кўпчиликни университетни ташлаб кетишга ундаган магистрлар уч йил мобайнида ўқитиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, талабаларга вақтинчалик яшаш учун ижарага хона берадиган шаҳар аҳолиси эса 1214 йилдан бошлаб келгусида ўн йил мобайнида, 1209 йилдаги квартира ҳақини ярмини олишлари кераклиги белгиланди. Тўрт нафар шаҳар аҳолиси ва тўрт нафар магистр вакилларида иборат комиссия тузилиб, улар келгусида янгидан ижара нархини белгилайдиган бўлди. 1229 йилда Париж университетида ўқишни ташлаб кўплаб магистр ва талабалар бошқа университетларга кетишади, уларнинг бир қисми эса ўз статутлари билан Оксфордга келишди. Мана шу жиҳатдан Оксфорд университетининг статутини Париж университетига: барча раҳбарлик ҳокимиятини магистрларни кўлида мужассамлангани, илм-фаннинг бошқа тармоқларига нисбатан теология ва санъат йўналишининг ривожлангани нуқтаи назаридан ўхшашлиги билан изоҳланади. Оксфорд ва Кембриж университетларининг фаолиятига Рим папаси камдан-кам аралашган, бу таълим муассасаларининг ҳаётига қирол ва шаҳар ҳукумати кўпроқ таъсир кўрсатишган.

Кембриж университетининг ташкил топиши тўғрисида қуйидагилар хикоя қилинади: Линкольнширдаги монастирлардан бирининг аббати илгари Францияда таълим олган бўлиб, у Париж университетидан тўрт нафар – бир нафар муқаддас диний китоб, таврот ва инжилни ўқитиш бўйича ҳамда уч нафар фалсафа фани бўйича ўқитувчиларни чақиртиб олади. Чақиртирилган ўқитувчилар бу жойда бир омборхонани ижарага олиб, у жойда мактаб очишади. Келгуси, иккинчи йилда ўқувчилар сони шунчалик кўпайиб кетадики, уларни омборхона тугул, хатто черков биносига сиғдиришни имкони бўлмайд қолди, оқибатда ўқувчиларни синфлар бўйича ажратиб, турли соатларда машғулот ўтиш белгиланган. Кембриж университетини келгусидаги раванқ топишида, 1209 йилда Оксфорд университетидан ва 1229 йилда Париж университетидан бўлиб ўтган воқеалар оқибатида магистр ва талабаларнинг кўчиб келиб ўрнашишлари кўмак берди. Генрих III ўзининг 1231 йилдаги ёрлиқларидан бирида, Кембрижга дунёнинг турли мамлакатларидан одамлар ўқиб, илмий билимлар олиш мақсадида оқиб келаётганини кўриб чин юракдан қувонаётганлигини билдирган. Қирол талабаларни, шаҳарликларнинг тазйиқларидан ўзининг хомийлигига олади ва квартираларга ижарага қўйишда “университетларнинг урф-одатлари” бўйича нархни белгилаш тўғрисида фармойиш берди. Кембрижда теология ва санъат фанлари, айниқса математика фани ривожланди. Худди Оксфорддаги сингари, Кембрижда ҳам университетга канцлер бошчилик қилган. Шуниси қизиқарлики, Кембриж университети юз йилга яқин фаолият кўрсатгач, қирол Эдуард III мактуб орқали папа Иоанн XXII га илтимос билан мурожаат қилиб, университетга имтиёзлар тортиқ этишини сўраган. Қиролнинг хоҳишига кўра 1313 йилда папа Иоанн XXII томонидан қабул қилинган булла, таъсис этувчи ёрлиқ хусусиятига эга бўлиб, илгари университетга папалар ва қироллар томонидан инъом этилган барча имтиёзларни тасдиқлаган ҳолда, келгусида бу жойда амалда маважуд бўлган таълим бераётган ва таълим олаётганларнинг уюшмасини тан олинishi ва келгусида

университетнинг барча қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкинлиги таъкидланди.

Император Фридрих II, бир вақтнинг ўзида Сицилия қироли, томонидан 1224 йилда таъсис этилган Неапол университети ҳам ўзига хос таълим муассасаси ҳисобланади. Мазкур таълим муассасасини Италиядаги бошқа университетлардан фарқи шундаки, у давлат университети ҳисобланади. Хусусан айтганда, Фридрихдан ўн йил илгарироқ Испаниядаги Валенсия шаҳарида қирол Алонсо VIII томонидан университетга асос солинади, лекин мазкур университетнинг таъсис этилиши ҳамда бошқарувида черков бевосита иштирок этган, бироқ XIII асрнинг охирларига бориб ушбу университет фаолиятини тўхтатган. Шунинг учун Фридрих II томонидан таъсис этилган бу таълим муассасасига дастлабки давлатга қаршли императорлик ёки қироллик университети тариқасида қараш лозим бўлади. Император ўзининг Неапол шаҳрида университет таъсис этиш тўғрисидаги қарорини изохлаб, ўз фуқароларини илмий билимлар ахтариб очлик, қашшоқлик ва дарбадарликда бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб юришларидан халос этиш мақсади эканлиги, Неапол шаҳри эса қўнгилли ва осойишта ҳаётни таъминлайдиган барча шарт-шароитларни ўзида мужассам этганлигини таъкидлайди. Фармойишда, фуқароларга келгусида ҳар қандай бегона университетларга бориб ўқиш тақиқлангани, агар бориб ўқиётганлар бўлса, улар ота-онасининг оғир жазога тортилиши хавфини олдини олиш учун жорий йилнинг кузида Неаполга қайтиб келишлари мажбур экани уқтирилган. Сицилия қироллигини ўзининг доирасида, Неаполдан ташқарида, ҳар қандай жойда маъруза ўқиш ёки эшитиш тақиқланган. Фридрих барча илмий йўналишлар бўйича барча профессорларни дарс ўтиш учун таклиф этиб, уларга маош белгилади; талабаларга, ҳатто улар ўзга мамлакатлардан келган бўлсалар ҳам, улар Неаполда яшаб турган вақтда қиролнинг ҳомийлиги остида бўлишини кафолати берилган. Император, шунингдек, талабанинг эҳтиёжи учун вақтинчалик фойдаланиш мақсадида олинадиган хонанинг ижара нархи, икки нафар фуқаро ва икки нафар талаба

иштирокидаги комиссия томонидан белгиланишини уқтириб ўтади. Бундан ташқари, талабалар томонидан, гаровга бирор буюм ёки нарсани қўйиб пул қарз олиш масаласи ҳам тартибга солинган. Фридрих, талабаларнинг устидан назорат қилиш ҳуқуқини магистрларга топшириб, бир вақтнинг ўзида, магистрларга маош тайинлаб, улар талабаларни ўқитишда императорга содиқлик руҳида тарбиялашларини талаб қилган. Тегишли ўқиш муддатини ўтаб, дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтган талабаларга императорнинг ўзи, келгусида тегишли соҳа билан шуғулланиши мумкинлиги ҳақидаги лицензия(рухсатнома)ни топширган. Бундан илгарироқ, даъвогарнинг ўзи қиролга имтиҳон топшириш учун рухсат беришини сўраб мурожаат этиши лозим бўлган. Қирол, ҳукумат томонидан белгилаб қўйилган тартибга кўра тегишли синов имтиҳонларини қабул қилиш тўғрисида профессорларга топшириқ берган. Синовларни муваффақиятли топширган даъвогар келгусида фаолият кўрсатиш учун лицензия(рухсатнома) олиш учун қиролга содиқлик тўғрисида қасамёд қабул қилган ва лицензияни олгач, камида икки йил муддат давомида Неаполда дарс бериши мажбур бўлган.

1222 йилда Болонья университетининг мингдан ортиқ ўқитувчи ва талабалари Падуя шаҳрига кўчиб ўтишади, кейинчалик бу жойда ҳам маҳаллий ҳукуматнинг ёрдамида секин-аста университет ташкил топади.

Италиядаги машҳур олий таълим муассасаларидан бири Перуджа университети ҳисобланиб, шаҳар ҳукумати маҳаллий университетни Болонья университети қаторида кўриш мақсадида моддий маблағни аямаган, хатто юридик факультетнинг илмий салоҳиятини Болонья университетидан таклиф этилган мутахассис-ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчилар ҳисобига кенгайтирган. XIII-XIV асрлар мобайнида Италиядаги Моденна, Пиза, Феррара, Ареццо, Павия, Лукка, Пьяченца, Реджио, Виченца, Тревизо, Сьенна ва Флоренция сингари шаҳарлар ўз университетларига эга бўлишди ва бунда албатта Рим папасининг булла(рухсатнома)си яъни университетни

таъсис этиш ҳақидаги ёрлиғини олишган. 1303 йилда папанинг ташаббуси билан Рим шаҳрида университет ташкил этилди.

Францияда ўрта асрларда ташкил топган дастлабки олий таълим муассасалари қаторига Париж университетидан ташқари, Монпелье, Тулуза, Орлеан, Анжу университетлари киради. Кейинроқ эса, Авиньон, Кагор, Гренобл, Оранж, Пуатье, Бордо ва бошқа жойларда ҳам университетлар вужудга келди.

Монпельеда медицина жуда эрта тараққий этди. 1289 йилда папа Николай IV нинг булласи билан бу жойда рим ва каноник ҳуқуқ, медицина ва эркин санъат ўқитиладиган университет таъсис этилади, теология факультети эса кейинроқ ташкил топади.

Тулуза университети эса, ўлкада католик черкови акидаларга қарши чиққан бидъатчиларга қарши кураш олиб бориш мақсадида ташкил этилган. Қирол Людовик IX томонидан 1229 йил 12 апрелда Тулуза графи Раймунд VII номига юборилган ёзма фармойишда кўрсатилган тинчлик шартларида қайд этилишича, граф келгуси ўн йил мобайнида, Париждан чақиртириб келтирилган 14 нафар профессорларга кумуш пулда 4000 марка маош тўлаган. Граф, талабаларни арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга кафолат берган. Папа Иннокентий IV 1245 йилда Тулузага ҳам папа Григорий IX нинг булласини тадқиқ этган.

Орлеан шаҳрида, XIII аср охири – XIV аср бошларида, университет ташкил этилишида папа Климент V ва папа Иоанн XXII, шунингдек Франция қироли Филипп Чиройли томонидан бир нечта меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

XIII асрда Анжу университети папалик ёки қиролликнинг таъсис ёрлиғисиз вужудга келди ва XIV асрда эса бир неча папалардан ёрлиқлар олишга эришди.

XIII асрнинг иккинчи ярмида Авиньон шаҳрида магистр ва талабалар томонидан университет ташкил этилди. 1303 йилда улар папа Бонифаций VIII дан университет таъсис этиш тўғрисида ёрлик олишди. Қирол Карл II томонидан университетда дарс ўтиш қоидалари, ижарага олинган хонадон учун нархларни белгилаш ва солиқ тўлаш тартиблари белгиланди.

Кагор шаҳрида ҳам олий мактаб – университет, шаҳар ҳукуматининг илтимосига биноан, папа Иоанн XXII томонидан таъсис этилди ва папа Григорий IX нинг Париж университетига қўллаган “буюк хартия”си ҳам Кагор университетига нисбатан қўлланилди.

Испания университетлари орасида дастлаб ташкил этилгани Валенсия университети бўлиб, шунингдек Саламанка, Лерид ва Вальядолид университетлари ҳам энг машҳурлари бўлган. Саламанка университети беш юз йил мобайнида Испаниянинг фахри бўлиб келди ва қирол Альфонс X нинг 1243 йилдаги ёрлиғига асосан ташкил этилган.

Лерид университети эса Арагон қироли Яков II томонидан 1300 йилда таъсис этилган бўлиб, бундан илгарироқ қирол папа Бонифаций VIII га ўзининг мақсадини баён этган бўлиб, папа эса унинг таклифини маъқуллаган.

XIII асрдаёқ фаолият юрита бошлаган Вальядолид олий мактаби, Кастилия қироли Альфонс XI нинг илтимосига биноан папа Климент VI томонидан университет деб эълон қилинди.

Ривожланган ўрта асрлар даврида Германия империяси ҳудудида университетларни ташкил этиш бўйича дастлабки қадам немис ерларида эмас, балки империяга вассал давлат ҳисобланган Богемия қироллиги пойтахти - Прагада богем қироли ва кейинроқ эса, герман императори Карл IV томонидан амалга оширилди. Қирол 1346 йилда папага тақдим этган ҳужжатларда, унинг қироллигида олий таълим муассасаси йўқлиги, мамлакат марказида жойлашган пойтахт Прага шаҳарига турли мамлакатлардан кўплаб одамларнинг келиб-кетишлари, шу сабабли Прагада университет ташкил

этиш ғоятда мақсадга мувофиқ ва маъқул бўлиши таъкидланади. Папа киролининг хоҳиш-истагини эътиборга олиб ва маъқуллаб, 1347 йилда Прага университетининг ташкил этиш тўғрисидаги булла(фармон)ни имзолади ва бу олий таълим муассасасига университет мақоми ва имтиёзларини тақдим этди. Қирол эса, ўзининг 1348 йилдаги таъсис ёрлиғи билан Прага университетига барча имтиёзлар ва иммунитет(дахлсизлик ҳуқуқ)ларни кафолатлади, келгуси 1349 йилда эса император богем қиролининг ёрлиғини тасдиқлади. Герман императори Карл IV нинг ўзи Париж университетига таълим олган бўлиб, ўзи ташкил этган Прага университетини кадрлаб ва эъзозлаб, умрининг охирига қадар ушбу таълим маскани ҳақида ғамхўрлик қилди. 1409 йилда Чехия қироли Вацлав Прага университетининг устави(низом)ни ўзгартирди. Университетни идора қилиш ишида чех миллатидан бўлган профессорларнинг раҳбарлик роли таъминланди<sup>11</sup>. Шу қатори империянинг яна бошқа учта вассал давлатларида ҳам университетлар ташкил этилди. Польша қироли Казимир томонидан Краков университети, Венгрия қироли Владислав томонидан Фюнфкирхен университети ва Австрия герцоги Рудольф томонидан Вена университети ташкил этиш тўғрисида папага таъсис ёрлиғи сўраб қилган мурожаатлари асосида, XIV асрнинг 60 йилларида мазкур университетлар ташкил топди. Эндиликда, XIV асрнинг сўнггидан бошлаб герман ерларидаги князликлар ва шаҳарларда Гейдельберг, Кёльн, Ульм ва Эрфурт университетлари вужудга келди. XV аср мобайнида эса Вюрцбург, Лейпциг, Росток, Грейфсвальд, Фрейбург, Люнебург, Ингольштадт, Трир, Тюбинген ва Майнц университетлари ташкил этилди. Ўша давр нуқтаи назаридан герман университетлари қаторига 1460 йилда таъсис этилган Базель университетини қўшиш мумкин. Шунингдек, Германиядан ташқарида, 1389 йилда Офень, 1424 йилда Лёвень, 1477 йилда Упсал, 1479 йилда Копенгаген университетлари ташкил топди. Католик черкови иштирокида ташкил этилган сўнгги олий таълим муассасалари

---

<sup>11</sup>Қурбанғалиева Р. Ўрта асрлар тарихидан ўқув-методик қўлланма. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1980, 142-бет.

каторига, 1502 йилда Виттенберг, 1505 йилда Бреславль ва 1506 йилда Одер дарёси бўйидаги Франкфурт шаҳрида ташкил этилган университетларни қўшиш мумкин.

### III – боб. Университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши.

Ўрта аср университетларида ўқув машғулоти йил мобайнида давом этган ва фақат XV асрнинг охиридан бошлаб, Германия университетларида ярим йиллик ва семестрларга бўлина бошлаган. Ўқув машғулотларининг дастлабки семестри сентябрда бошланиб то пасха диний байрамигача давом этган. Кейинги семестр эса пасха байрамидан кейин бошланиб то июнь ойининг охирига қадар давом этган. Ўқув режаси бутун ўқув йилига мўлжалланиб тузилган.

Ўқув машғулоти, маъруза(лекция)ларни ўқиш(эшитиш) ҳамда амалий машқлардан иборат бўлган. Маъруза машғулоти, қайси китоб ёки асарлар бўйича ва қайси профессор ёки ўқитувчи томонидан ўқилишига кўра, ординар ва экстраординарга ажратилган. Ўрта асрларда фалончи профессор ёки ўқитувчи фалон китоб бўйича маъруза ўқийди деб айтилган. Бироқ айрим китоблар талаба учун ўта муҳим ва мажбурий ҳисобланса, бошқа китоблар эса унчалик муҳим ва мажбурий ҳисобланмаган. Масалан, легистлар учун дигестларнинг қадимги дигестлар деб номланган қисми ва кодекс, шунингдек, канон(диний қоида-қонун)ларда эса Грациан декрети(қонуний кучга эга бўлган қарор, фармойиши) ва Григорий IX нинг декреталлари, ординар китоблар ҳисобланган. Легистлар – (лотинча *legistae* - қонун) ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида черков ҳуқуқига қарама-қарши ўлароқ Рим ҳуқуқини ишлаб чиққан ва юридик амалиётга жорий этган юристлар бўлиб, улар XIII асрда Францияда алоҳида мавқега эга бўлганлар ва қирол ҳокимиятини унинг йирик феодалларга қарши курашида қўллаб-қувватлаганлар<sup>12</sup>. Ординар маърузалар учун фақат ўқув кунлари, эрталабки, тушлиқдан олдинги соатлар белгиланган, бунда тингловчилар маълумотларни осон ва қулай қабул қила олиши назарга олинган, экстраординар маърузалар тушлиқдан кейинги соатларда ўқилган, ва нафақат

---

<sup>12</sup>Юридик энциклопедия. – Т.: “Шарқ”, 2001, 272-бет.

Ўқув кунлари, балки айрим катта байрамларни истисно этганда, байрам ва каникул(таътил) кунларида ҳам амалга оширилган. Сўнгра, ординар маърузалар пайтида, савол бериб маърузачини гапини бўлиб қўйишга рухсат этилмаган, экстраординар маърузалар вақтида эса савол беришга рухсат этилган, бу ҳам камлик қилса, талабанинг саволига, маърузачининг ўрнига, бошқа бир талаба жавоб бериши мумкин эди, ёки, экстраординар маърузалар, худди германия университетларидаги сингари, юзаки, кўз югуртириб ўқилишига рухсат этилган, чунки ординар маърузалар, мукамал, батафсил изохлар билан ўқилган. Ваниҳоят, экстраординар маърузаларни ўқиш вақтида маърузачи маълум бир тегишли кийим-бош кийиши тўғрисидаги катъий тартиб-қоидадан четга чиқиб, бошқа уст-бошда бўлиши ҳам мумкин эди. Экстраординар маърузаларни фақат экстраординар профессор, тушликдан кейинги соатларда ўқиши лозим эди; бироқ ординар маърузаларни ўқиш ҳуқуқига эга бўлган ординар профессор, тушликдан кейинги соатларда ординар маърузаларни экстраординар тартибда ўқий олиши ёки бўлмаса, экстраординар маърузаларни ўқиши мумкин эди. Ўз-ўзидан маълумки, экстраординар маърузаларни фақат бакалаврлар ўқиган, улар фаннинг предмети ва ўқув соати бўйича докторлар билан рақобатлаша олмаган. Аммо илоҳиёт факультетларида, илоҳиёт мутахассиси ҳисобланган бакалавр, факультет раҳбариятининг топшириғи билан ординар маъруза ўқиши мумкин бўлган. Маъруза жараёнининг ташқи томонига келсак, университетларнинг низомлари диктант тарзида ёздиришга салбий муносабатда бўлган.

Париж университетида, санъат факультети магистрлари, ўқиладиган маъруза матнини тингловчиларни бирига бериб, у бошқа тингловчиларга маъруза матни магистрни ўрнига ўқиб бериб турган, магистр эса дарсни кузатиб ўтирган. Бу ҳолат аниқлангач, факультет раҳбарияти магистрларга матни ўқиб беришни тақиқлади ва маъруза матнини оғзаки сўзлаб бериш мажбуриятини юклаб, қасамёд қилдирди. Агарда, низом ва қасамёд магистр томонидан биринчи марта бузилса бир йил муддатга, агар тўрт марта бузилса

тўрт йил муддатга ўқитувчилик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Низомларга кўра, матнларни қайта ўқиб бериш тақиқланган, фақатгина истисно этилган ҳолатларда, ўта мураккаб ва муҳим қисмларини икки марта ўқиб беришга рухсат этилган. Талабалардан маъруза дарсларига ўзларининг шахсий дарсликлари ёки китоб сотувчилардан ижарага олинган китоблар билан бирга келишга талаб қилинган. Буларнинг барчаси, талабаларни матн билан бевосита танишиб боришга мажбур қилиш учун амалга оширилган. Китоб босишни кашф этилгунига қадар, профессионал мирзалар, буюртмага асосан ўқув дарсликларини кўчириб бериш билан шуғулланиб, катта пул ишлаб даромад қилишган. Қоғозни тақчиллиги туфайли дарсликларнинг нархи ҳам қиммат бўлган, шу сабабли барча талабаларнинг ҳам зарур дарсликларни сотиб олишга қурби етмаган, шу сабабли маърузачилар томонидан матнни ўқиб талабага ёздириш тартибини ҳаётни ўзи намоён қилган. Шу туфайли, Париж университетидеги санъат факультетида низом талабига асосан матнни ўқиб ёздирмаслик тўғрисида қасамёд қабул қилинган бўлсада, бироқ бу талабга амалда риоя этилмаган, чунки юқорида қайд этилганидек, санъат факультетида таҳсил оладиган кўпчилик талабаларнинг дарслик сотиб олиш ёки ижарага олишга моддий жиҳатдан қурби етмаган. Экстраординар маърузалар масаласига келсак, бу ҳолатда, матнни ўқиб ёздириш ҳеч қачон тақиқланмаган. Германия университетларида, маъруза ўқиладиган матн китобини уч нафарга қадар талабалар кўз олдиларида тутиб узатиб туришлари лозим бўлган. Маърузани қолдирганлик учун ёки маърузага кеч қолганлик туфайли, ҳам ўқитувчилар, ҳам талабалардан жарима ундирилган. Германия университетларида, бакалаврлар ҳамда талабаларни маърузаларга қатнашишларини мажбурий келишини таъминлаш учун турли тарздаги чораларни қўллашган. Мисол учун, Тюбинген университетининг 1477 йилга оид низомларига биноан, талабалар имтиҳон топшириш учун келганларида, нечта маъруза ва машқларни қолдиргани ҳамда қайси сабабларга кўра қатнашмаганини маълум қилиши лозим бўлган. Ингольштатд университетидеги талаба узрли сабабларсиз икки ҳафта давомида

маъруза машғулотларига қатнашмаса, пул тарзида жарима тўлашдан ташқари, имтиҳонга қўйилмаган ва бурса(руҳонийларнинг ўқув юрти)да талабалар сафидан чиқарилган. Лейпциг университетиди ҳар бир магистр ўз тингловчилари рўйхатини юритиш мажбуриятини олган(дарвоқе, рўйхатда айб ва гуноҳларни қайд этиш графаси ҳам бўлган), магистрнинг ўзини устидан алоҳида визитаторлар кузатиб, назорат қилиб боришган, улар ҳафтасига икки марта магистрнинг маъруза ва машқларини кузатишган, машғулот вақтида ҳозир бўлмаган талабаларнинг қатнашмаганлиги ҳолати магистрнинг рўйхатида мажбуран йўқ қилиб белгиланган. Болонья университетининг низомлари, ўқитувчилар ўзларининг маърузаларини тўғри ва бир текисда бирин-кетин ўқишларини назоратини тартибга солишда майда-чуйдаларгача эътиборга олингани билан ажралиб туради. 1347 йилги низомларга кўра, маъруза ўқиладиган фан бўйича мавжуд дарсликнинг ўзи бир нечта қисмларга ажратилиб, ҳар бир бўлим бўйича, 12-14 кун мобайнида дарсни ўтиб тамомланиши зарур экани, яъни шартлиги кўрсатилиб, тақсимланган. Ҳар ўқув йилини бошланиши олдидан барча профессорлар 25 болонья фунти миқдорида олдиндан гаров пули тўлаши лозим бўлиб, булар, маъруза бўйича тамомланмасдан қолган бўлим юзасидан тўланадиган жаримани қоплаши лозим бўлган. Қонун, декретал, глосса(қадимги текстлардаги сўз ёки иборалар изоҳи)нинг бўлими бўйича маъруза матнидаги бирор сўзни тушиб қолдирганлик учун алоҳида жарима тўланиши лозим бўлган. Маърузалар ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатдан, ординар ёки экстраординар дарсликларни асосий бўлимларга ажратиб машғулот ўтишдан иборат бўлиб, илоҳиётчилар Библияни, ҳуқуқшунослар – канон(диний) ва рим ҳуқуқлари тўпламларини, медиклар – Авиценна(Абу Али ибн Сино), Гиппократ ва Гален асарларини, санъаткорлар – Аристотель(Арасту), Порфирий ва бошқаларни асарлари асосида машғулотлар ўтганлар. Ўқув материали ҳажмининг катталиги ва кўплиги туфайли, профессор – ўқитувчилар эндиликда маъруза бўйича асосий

матннинг энг муҳим қисмини ва жойини, лўнда ва қисқа ҳамда тушунарли тарзда тингловчиларга етказиб бериш тартибини қўллайдиган бўлдилар.

Барчафакультетларнинг тингловчилари учун маърузалар ўтиладиган доимий аудитория(дарсхона, синф)лар узоқ пайтга қадар мавжуд бўлмаган. Ҳар бир ўқитувчи маълум бир кишилардан иборат ўқувчиларга маъруза ўқиб, уларни имтиҳонларга тайёрлаган. Болонья университети профессорлари, агар улар болонья фуқаролари бўлса, дарсхоналарни ўзларини уй-жойларида ташкил этишган, ёки ажнабий ўқитувчилар эса ижарага олинган залларда дарсларни уюштиришган, ва фақат XIV асрдан бошлаб шаҳарлар ҳукумати томонидан аудиториялар учун жамоат бинолари ажратилиб, дарсхоналар ташкил этила бошлади. Парижда ҳам ўқув хоналари ижарага олинган ва ўқитувчилар ҳам жуда кўпчиликни ташкил этган, шу туфайли ҳам ажабланарли жойи йўқки, Париж шаҳрининг бутун бир қисми узоқ вақтгача “университет” атамасини сақлаб қолган. XIII асрда ҳар бир магистр дарсхона учун ўзининг номидан ва ўз ҳисобидан уй-жой ёки зални ижарага олган ва ўз-ўзидан маълумки бу харажатларни ўз ўқувчиларини зиммасига юклаган. Таълим оладиганлар ва таълим берувчиларнинг оқими кўпайиб боргани сари, ижарага бериладиган хона-жойларни нархи-навоси ҳаддан ташқари кўтариб кетди, натижада қисман папа, қисман қирол томонидан уй ва ховли-жойларнинг эгалари учун ижарачилардан олинадиган таксалар, яъни қатъий нархлар белгиланган. Университет низомига биноан, аудитория учун ижарага олинадиган хона ёки зални маърузачидан ташқари бошқаларни ёллаши тақиқланган. Шунингдек, магистр томонидан бир пайтни ўзида бир нечта хона ёки зални ижарага олиниши ҳам тақиқланган. Сўнгра, коллегия ва бурсалар, ўқитувчилар ва ўқувчилар жойлаштирилган бино вазифасини ўташдан ташқари, эндиликда маъруза дарслари ўтиладиган аудиториялар сифатида фойдаланила бошланди. Англия ва Германия университетлари ҳақида ҳам юқоридаги ҳолатларни таъкидлаш мумкин. Бу давлатларда, ўрта асрларнинг охирларида университетлар ўзларининг аудиторияларига эга бўла бошлаган.

Турли университетларда профессорларга, шаҳарлар ва князлар томонидан пул тариқасида ёки черков бенефицийлари сифатида маош, иш ҳақи тўлана бошлагач ҳам, университетларда маъруза ўқийдиган кўпчилик ўқитувчилар тингловчилардан келиб тушадигангонорар(pastus – озиқ-овқат) эвазига кун кечиришган. Маош жорий этилгунига қадар эса натурал гонорар барча ўқитувчилар учун мукофот вазифасини ўтаган. Италия университетлари тарихидан маълумки, Гонорарнинг нормаси белгилаб қўйилмагани туфайли, ҳар сафар ўқитувчи билан ҳар бир тингловчи ўртасида алоҳида контракт(шартнома) тузилган. Болонья университетида юридик фанининг дарғаларидан бири профессор Одофред бўлиб, у дигестлар бўйича фақат ординар маърузаларни ўқиган.

Болонья университети тарихига доир архив ҳужжатлари орасида, XIII аср охирига оид нотариал шартномаси сақланиб қолган бўлиб, бу ҳужжатли манба Пётр ва Шабринус исмли ўқитувчилар ўртасида тузилган. Унга кўра, Пётр, Болонья шаҳрида яшаб, катта ховли-жойга эга бўлгани ҳолда уйидаги бир нечта хоналардан аудитория сифатида фойдаланган ва айрим хоналарда тингловчи талабалар яшаши учун шароитлар яратган. Пётрнинг ўзи университетда нотариал санъати фани бўйича маъруза ўқиган. Шабринус эса бошқа жойдан кўчиб келган бўлиб, Болонья университетида ҳуқуқшунослик курсига доир фанларнинг биридан дарс берган. Ушбу факультетда Шабринус Юстиниан институтциялари ва унга глосса(изоҳ ва шарҳ)лар бўйича маъруза ўқиган. Пётрнинг уйида таълим олаётган тингловчиларга Шабринус ўзи ўқиётган курс бўйича маъруза ўқиши ва улардан оз миқдорда гонорар олишга рози бўлгани тўғрисида мазкур шартнома тузилган. Болонья университетида **педель** фойдасига йиғим ундирилган, улар маош олмагани туфайли ўтаган вазифасидан тушган даромад ҳисобига кун кечиришган. Масалан, университет педели барча аудиториялар бўйича ҳар бир талабадан 4 сольдо(Италияда: чақа пул, лиранинг йигирмадан бирига тенг) ундирган; ҳар бир айрим профессорнинг педели ўша профессорнинг талабаларидан 4 сольдодан бошлаб то 2 лира(Италия, Ватикан ва Туркияда пул бирлиги)

миқдоргача ундирган. Париж университетидаги гонорарнинг миқдори, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги келишувга асосан белгиланган. Маълум бўлишича, 1383 йилда санъат факультетида эрталабки маъруза дарси учун 1 франк(Франция пул бирлиги) тўланган. 1450 йилда бир магистр, бакалавр даражасини олиш учун тайёргарлик кўраётган тингловчига китоб бўйича репетиция ўтиб, изоҳлаб бергани учун 1 экю(Ўрта асрларда Францияда олтин ёки кумуш пул бирлиги) талаб қилган.

Германия университетларида талабалардан гонорарларни ундириш ва миқдорини белгилаш тартиби факультетлар зиммасига юклатилган. Умумий қоидаги кўра, камида уч марта маъруза дарсига қатнашган талаба гонорар тўлаган. Вена университетининг 1389 йилдаги низомида, камбағал тингловчиларни гонорар тўлашдан ўқитувчининг ўзи озод этиши мумкинлиги қайд этилган. Лейпциг университетида ҳам низомга биноан, таълим олиш учун таксада белгиланган ҳажмдаги тўловни амалга ошириш имконияти бўлмаган талаба, бу тўғрисида ўқитувчисига мурожаат этиб, тўловдан тўла ёки қисман озод этишни сўраши мумкин бўлган. Бу жойда ҳар семестрда таксаторлар комитети тузилиб, улар ҳар бир талабадан ўтилган маъруза ва машқ машғулотлари учун белгиланган миқдордаги тўловни ундириши, қайси талабадан тўловни тўла ундириш ва қайси талабани ўқиш учун тўловдан озод этиш масаласини ҳал этишган.

Амалий машғулотлар, асосан репетициялар ва диспутация(мунозара)лардан иборат бўлган. Ёзма ишларни тузиш, ўрта асрларда номаълум бўлган. Италия университетларида репетиция тушунчаси айрим бир матнни мукамал, батафсил тарзда изоҳлашни аниқлатган. Париж университетида репетиция тушунчаси мазкур масалага доир барча манбаларни ва қўлёзмаларни, уларга нисбатан қўлланилган изоҳ ва шарҳларни текшириб чиқишни аниқлатган. Германия университетларида эса репетиция тушунчаси, ўқитувчи билан талаба ўртасидаги жонли мулоқотни

англатган. Бунда ўқитувчи савол-жавоб тарзида талабанинг ўзлаштирган билимлари даражасини аниқлаган.

#### **IV – боб. Ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши.**

Мактаб ва университетларнинг кўпайиши китобга бўлган талабни кучайтирди. Илк ўрта асрларда китоб қимматбаҳо буюм бўлиб, уни пергаментга — бузоқ терисидан тайёрланган махсус варақларга хаттотлар ёзишган. XII асрдан китобатда алоҳида устахоналар очилиши уларнинг бирмунча арзонлашувига олиб келди. XIV асрдан қоғознинг кенг қўлланилиши эса, уни яна ҳам кўпроқ чиқаришга ёрдам берди. Қоғоз Хитойдан мусулмон давлатлари, жумладан, Самарқанд орқали Европага кириб келди. Испанияда дастлабки қоғоз устахоналари XII асрдан ишга тушган. Кейинчалик, XIV асрдан Италияда қоғоз ишлаб чиқариш соҳаси кенг ривожланди. Европадаги дастлабки устахоналар қоғозни эски латталардан қилишган.

Германияда 1445-йили Иоганн Гуттенберг китоб босиш дастгоҳини кашф этди. Унинг кашфиёти китобнинг оммавий тарқалишига имконият яратиб, Европа маданий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келди. XII асрга қадар китоблар асосан черков кутубхоналарида мужассамланган бўлса, XII-XV асрларда эса университетлар, қиролларнинг саройлари, йирик феодаллар, руҳонийлар ва бадавлат шаҳарликларда ҳам кўп сонли кутубхоналар пайдо бўлди.

Тажрибага асосланган билимларнинг ривожланиши масаласида шуни айтиш лозимики, Европада илм-фан XIII асрдан бошланган дейишади. Сабаби бунга қадар тажрибавий илмлар ва фалсафа ўртасида катта фарқ бор эди. Ҳаёт талаби XII асрдаёқ математика ва механика соҳаларини бирмунча тараққий қилишини таъминлади. Роберт Гроссетест табиатни ўрганишга математика нуқтаи назаридан ёндашишга интилди. Оксфорд университети профессори Рожер Бекон XIII асрдан билимга кузатишлар ва тажрибалар йўли билангина эришиш мумкинлигини исботлади. Рожер Бекон оптика, физика, кимё фанларига оид бирмунча аҳамиятга молик илмий натижаларга

эришди. Олим ўзи юрадиган кема, извош, денгиз тубида ва ҳавода сузувчи кемалар яшаш мумкинлиги ҳақида ёзган эди. Беконнинг ҳаёти қийинчилик ва хавф-хатарларга тўла бўлган. Христиан черкови тазйиқи натижасида у узок йиллар қамокда ўтирган.

Беконнинг ишини давомчилари Уильям Оккам, Николай Отрекур, Буридан ва Николай Орезмский(Орем) бўлиб, улар физика, механика, астрономияни ривожлантириш учун кўп ишларни амалга оширишди. Масалан, Орем, Ерни бир суткада бир марта ўз ўқи атрофида айланиб чиқиши таълимотини ривожлантирди, координатларни қўллаш ғоясига асос солди.

Хўжалик тараққиёти, черков таълимотидан фарқли ўлароқ, тажриба асосидаги илмларнинг ривожланишига эҳтиёж туғдирди. Дехқонлар ишлов беришни яхшиладилар, тупроқнинг хусусиятларини билишга интилдилар, об-ҳаво, чорва моллари ва экинлар ҳолатини кузатиб бордилар. Ҳунармандлар темир, унинг турли қоришмалари ва тошлар хусусиятларини ўргандилар. Бўёқ ва шиша тайёрладилар.

Ўрта асрларда мунажжимлик ва алкимё фанларига айниқса катта эътибор берилди. Мунажжимлар осмон жисмларига қараб келажакда бўладиган воқеаларни билишга интилганлар. қироллар, саркардалар, савдогар ва сайёҳлар улардан доимо маслаҳатлар олиб турганлар. Ҳар қандай маъданни олтинга айлантирувчи «сеҳрли тош»ни излаган кимёгарлар ҳам Ўрта аср олимлари ичида кўпчиликни ташкил қилган. Улар тажрибалари жараёнида турли бўёқлар, маъданларнинг хусусиятлари, бир қанча қотишмаларни, доривор моддаларни тайёрлаш амалий усулларини ихтиро қилганлар. Сицилия қироллигида ҳукмдорларнинг хомийлиги остида Салернода тиббиёт мактаби тараққий қилиб, Арнольд да Виллановни машхур “Салерно кодекси” босилиб чиқди, унга инсон саломатлигига доир турли насихатлар, турли ўсимликларнинг доривор хусусиятлари тўғрисида таъриф ва баёнлар берилган.

XVI—XVII асрларда табиатшунослик фанларининг кескин юксалиши бошланди. Ишлаб чиқариш, жумладан, лехниканинг ўсиши илмий тараққиётга кенг йўл очди. Табиатдаги воқеа-ҳодисаларнинг амалий томонларини тадқиқ қилиш йўлга қўйилди.

Физика фанининг механика соҳаси саноатнинг баъзи соҳаларида оддий механизмлардан фойдалана бошла-нилиши, қурилиш техникасининг такомиллашуви, чуқур шахталарнинг пайдо бўлиши, артиллериянинг йилдан-йилга кенгроқ қўлланилиши натижасида анча ривожланди.

Мураккаб сув иншоотларининг пайдо бўлиши, гидростатика ва гидродинамиканинг ўрганилишига, узоқ денгиз саёҳатлари, астрономия фанининг ривож ва компаснинг қўлланилишига, бўёқчилик ва тиббиётнинг ютуқлари кимё соҳасидаги билимларнинг такомиллашувига олиб келди.

XVI—XVII асрларда хунармандчилик техникасининг ривожланиши натижасида кўплаб асбоб-ускуналар ихтиро қилинди. Жумладан, микроскоп ва телескоп, термометр, симобли барометр, гидрометрлар кашф қилинди.

Табиатшуносликнинг ўсишида буюк географик кашфиётларнинг роли катта бўлди. Бу соҳадаги кашфиётлар ернинг шар шаклида эканлигини тасдиқлабгина қолмай балки астрономия, ботаника, зоология фанларини янгиликлар билан бойитди.

**Астрономия.** Фандаги бурилиш энг аввало астрономия соҳасида рўй берди. XVI асрга қадар Ғарбий Европада, шунингдек Шарқ мамлакатларида ҳам антик даврда яратилган геотсентрик ғоя ҳукмрон эди. Унга кўра коинот марказида доира шаклида ҳаракатсиз Ер турарди. Ернинг атрофида, маълум масофада Ой, қуёш ва бошқа сайёралар, юлдузли осмон айланиб туради. Бу ғоянинг асоси Аристотел, Гиппарх ва Птоломей даврида ишлаб чиқилган эди.

Ернинг ҳаракатдаги фазовий жисм эканлигини тан олиш аввалги фаразларга, кашфиётларга зид эканлигидан катта тўсиқларга учради. Сабаби:

«Инжил»да «худо Ерни ва одамларни йўқдан бор қилган, қуёшни ва йўлдошларни эса Ернинг атрофида айланадиган қилиб қўйган» деган оятни рухонийлар бошгача тарғиб қиладиган таълимот йўққа чиқиши керак эди. Ушбу асрларда кишиларнинг олам ҳақидаги тасав-вурларини тубдан ўзгартирган истеъдодли астрономлардан бутун бир гуруҳи етишиб чиқди.

Алломалар орасида коинот тузилиши ҳақидаги янги — гелиотцентрик таълимотни яратган улуғ поляк олими Николай Коперник (1473—1543-йиллар) ғоят фахрли, муҳим ўрин тутади. Коперник энг оддий асбоблар ёрдамида осмон жисмларини 30 йилдан кўпроқ кузатди. Мураккаб ҳисоблар йўли билан олим Ернинг қуёш атрофида ҳамда ўз ўқи атрофида айланиб туришини аниқлади. У Ер осмон гумбазидаги йўлдошларнинг бири бўлиб, ҳамма йўлдошлар каби қуёш атрофида айланиб туради, деган хулосага келди. Янги таълимот туфайли черков томонидан таъқиб қилиниши ва қораланишини олдиндан сезган Коперник ўз кашфиётларини узоқ вақт сир тутди. Шу туфайли олимнинг «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» асари унинг ўлимидан сал аввалроқ нашр қилинди, холос. Коперникнинг янги кашфиёти фанда катта ўзгариш ясади. Бу кашфиёт христиан черковининг обрў ва таъсирига катта путур етказди.

Фанга бағишланган ҳаёт. Коперник ғоясининг давомчилари католик черкови томонидан қувғин қилина бошланди. Христиан черкови тазйиқининг биринчи қурбони Жордано Бруно (1548—1600-йиллар) бўлди. Улуғ италян мутафаккири Жордано Бруно ҳеч муболағасиз қаҳрамон, фан учун курашувчи фидойи олим эди. Жорданони ота-онаси ёшлигиданоқ монастырга берган эди. Лекин у умрини динга эмас, фанга бағишлади. Жордано монастырдаёқ Коперник таълимоти билан танишиб, унинг қизғин давомчисига айланди. Монастирни ташлаб кетган Ж.Бруно учун сарсон-саргардонлик ва ташвишлар билан тўлиб-тошган, лекин қизиқарли ҳамда жўшқин ҳаёт бошланди. Черковнинг доимий тазйиқи олимни 16 йил давомида: Франция, Германия ва Чехияда доимий сафарда юришга мажбур

қилди. Бир йилларда олимнинг кўпқиррали фаолияти: фақат астроном эмас, балки ажойиб нотик, истеъдодли адиб ва шоирлик хусусиятлари ҳам яққол намоён бўлди.

У Коперник таълимотини ривожлантириб: «Коинотнинг чегараси йўқ. Олам беқиёс катта ва чексиздир», деган эди. Унинг фикрича, Ер ҳам коинотнинг маркази эмас. «Олам сон-саноксиз юлдузлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири биздан узоқда турган қуёшдир. Мана шу қуёшнинг ҳар қайсиси атрофида ўзининг айланиб турган йўлдошлари бор». Жордано Брунонинг ушбу дадил фикрлари ҳозирги кунда фанда тўлиқ тасдиқланди.

Ўз ватанини соғиниб Италияга қайтган олимни черков ушлаб, қамоққа ташлади. Уни даҳрийликда айблаб, ўз ғояларидан қайтишга ундадилар. Саккиз йиллик қамоқдан кейин Жордано Бруно гулханда ёндирилди. Бруно қатл қилинган Римдаги «Гуллар майдони»да кейинчалик унинг ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал пойига: «У ҳамма халқлар учун фикр эркинлигини талаб қилди ва шу талаби учун қатл этилди» деб ёзиб қўйилган. Бу сўзлар майдондан унчалик узоқда жойлашмаган Рим папалари олий идораси— Ватиканга тўғридан-тўғри тегишлидир.

Католик черкови машҳур астроном ва физик Галилейни (1564—1642-йиллар) ҳам бутун ҳаёти давомида таъқиб қилди. Пиза шаҳрида туғилган Галилео 1589-йили университет профессори унвонига сазовор бўлди. Само илми билан фаол шуғулланиши натижасида бошланган тазйиқлар уни аввал Падуя университетига, 1610-йили эса Флоренцияга кетишга мажбур қилди. Олим ўзи кашф қилган оддий, 30 марта катталаштириб кўрсатадиган телескоп ёрдамида кўплаб юлдузларни, Ой устидаги тоғга ўхшаш жисмларни, Юпитернинг 4 та йўлдошини, Венеранинг фазаларини, қуёш доғларини кашф қилди. Венетсия ибодатхоналаридан бирининг устига ўрнатилган Галилей телескопидан истаган киши осмондаги жисмларни томоша қилиши мумкин эди.

Галилей ўз асарларида Коперник ва Жордано Бруно кашфиётларини тўлиқ тасдиқлади. Рим папаси 70 ёшли олимни инквизитсия судига берди. Суд эса Галилейни ўз маслакларидан воз кечишга мажбур қилди. Олим гуноҳкорлар кийимида тиз чўкиб «тавба-тазарру» қилдирилди. У умрининг охирига қадар черков назоратида қувғинда яшади.

Рим папаси Иоанн Павел II томонидан 1979— 1980-йиллари Галилейни суд қилган инквизиция суди ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди ва олим гуноҳсиз деб топилди. Шундай қилиб католик черкови ўзининг кўпсонли «хатолари»дан бирини тан олишига уч асрдан кўпроқ вақт керак бўлди.

## Хулоса

Ғарбий Европада XII—XIII асрларда иқтисодий ва маданий юксалиш бошланди. Шаҳарлар тараққиёти, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши европаликлар дунёқарашининг кенгайишига ёрдам берди. Салиб юришлари даврида Византия ва Араб халифалиги маданиятлари билан танишув Ўрта аср маорифининг камол топишини рағбатлантирди. Ўрта аср мактабларининг сони ўсиб, таълим тизими такомиллашиб борди. Мактаблар: - монастирлар, шаҳар соборлари(кафедрал) ва приход(маҳалла) – мактабларига бўлинган. Шаҳарларнинг ўсиши билан хусусий ва шаҳар кенгашлари ҳамда гильдиялар томонидан очилган мактаблар кўпайди. Уларда черков мактабларига нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ билим берила бошланди. Мактабларда таълим лотин тилида олиб борилган, фақат XIV асрда миллий тилларда ўқитиладиган мактаблар пайдо бўлди.

Европанинг йирик шаҳарларида XI асрдан бошлаб, кафедрал мактаблар умумий мактабларга айланиб, уларнинг негизида эса олий мактаблар — университетлар очила бошлади. Университет (лотинча сўз, «мажмуа» маъносини англатади) умумийлик маъносини бериб, унда турли соҳалар бирлаштирилгани туфайли шундай деб аталган. XII аср охирида биринчи университет Болоняда очилди, кейинчалик университетлар XIII асрда: Монпеле, Палермо, Париж, Оксфорд, Салерно, Саламанка ва бошқа шаҳарларда ташкил топди. Умуман, XV асрга қадар Европа мамлакатларида 60 га яқин университет очилган<sup>13</sup>.

Университетлар юридик, эркин бошқарув(маъмурий) ва молиявий мустақиллик ҳуқуқларига эга бўлиб, бу ҳақдаги ёрлик қирол ёки Рим папасидан олинарди. Университетлар мустақиллиги, унинг ички ҳаётида тартиб-қоидаларга, интизомга қаттиқ риоя қилиши билан мужассамлашган. Ўрта асрлардаги энг йирик университет Парижда бўлган. Унга 1257-йили

француз қироли хонадони рухонийси Робер де Сорбон асос солган. Демак, хозирги кунга қадар машхур Сорбонна университети шу тариқа ташкил топган. Ғарбий ва Марказий Европалик талабалар шунингдек Испания ва Италияда таълим олишган. Кордова, Севиля, Саламанка, Малага ва Валенсиядаги мактаблар ва университетларда фалсафа, математика, медицина, астрономия, Болоня ва Падуяда эса ҳуқуқ бўйича кенг ва чуқур билимлар берилган.

Университетда алоҳида фан ўқитувчилари йиғилиб ўз бирлашмаларини, факултетларни тузиб, унга декан сайлаганлар. ўқитувчи ва студентларнинг умумий йиғилишида университет раҳбари — ректор сайланган.

Олий мактаб дастлабки вақтда(*Studia generalia*) “умумий фанлар” деб аталган, кейин, бу номни бошқача – университетлар(Латинча *Universitas* – “жамоа”, “корпорация”, “йиғинди” профессор-ўқитувчилар ва студентлар сўзидан келиб чиққан) деган ном суриб чиқарган.

Биринчи университетлар XII асрда бир қисми теология ва фалсафа соҳасида энг йирик профессорлари бўлган епископ мактабларидан, бир қисми хусусий муаллимларнинг – фалсафа, ҳуқуқ(Рим ҳуқуқи) ва тиббиёт мутахассисларининг бирлашмаларидан келиб чиққан. Европада энг дастлабки университет Париж университети бўлиб, у XII асрнинг биринчи ярмидаёқ “эркин мактаб” сифатида машғул олди борган. Париж университети XII асрнинг иккинчи ярмида ва XIII асрнинг бошларида узил-кесил расмийлашган(Филипп II Август 1200 йилда Сорбонна ҳуқуқлари тўғрисидаги ёрлиғи билан таъсис этган). Аммо Италиянинг олий мактаблари – Рим ҳуқуқиغا ихтисослашган Болонья юридик мактаби ва Салерно тиббиёт мактаби анча илгари, XI асрдаёқ университетларнинг марказлари ролини ўйнай бошлаганлар. Европадаги бошқа университетлар асос қилиб олган Париж университети устави тўртта факультетдан: артистик, тиббиёт, юридик ва теология(диний руҳда фалсафа ўқитиш ҳам бунга қиради) факультетларидан иборат бўлган. XII аср охирида Париж университети

расман шаклланди, 1200 йилда қирол ва папа томонидан расман тасдиқланди: унинг ортидан бошқа университетлар ҳам вужудга келди. Университетлар Францияда фалсафа ва фаннинг ривожланишида улкан рол уйнади<sup>14</sup>.

Англиядаги XIIIасрда таъсис этилган Оксфорд ва Кембридж университетлари, Испаниядаги Саламанка ва Италиядаги Неаполь университетлари Европадаги энг дастлабки университетлар эди. XIV асрда Марказий Европада – Прага, Краков, Гейдельберг, Эрфурт ва Кёльн шаҳарларидаги университетлар барпо этилди. XV асрда университетлар сони тез кўпайди. 1500 йилда бутун Европада 65 та университет бор эди<sup>15</sup>.

Ўрта аср олий ўқув юртлари – университетларнинг пайдо бўлиши инглиз халқи саводхонлиги ва маданияти тарихида йирик воқелик бўлди. Англияда дастлаб Оксфорд ва Кембридж университетлари ташкил топган. Уларнинг ташкил топган вақти XII аср иккинчи ярми ва XIII аср бошига тўғри келади.

Бу ердаги университетлар дастлабки фаолиятлари Ғарбий Европадаги бошқа университетларникидан деярли фарқ қилмаган. Масалан, Кембридж университети ҳам дастлаб ўз фаолиятини уй – колледж ҳолатида бошлаган эди. Инглиз университетларида хорижий тилларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилган. Оксфорд университетида грек, яхудий ва араб тилларини ўрганувчи махсус кафедралар ишлаб турган.

XIII -XIV асрларда Оксфорд университети айниқса жуда катта шуҳрат қозонди. XIV асрда бу университет Англиянинг интеллектуал марказига айланди. Бу ерда ўрта асрлар Англия ақлий билими соҳиблари бўлган Роберт Гросстест, Роджер Бэкон, Иоанн Дунс Скотт, Джон Виклеф каби

---

<sup>14</sup>История Франции. В трех томах. Том 1. Издательство “Наука”, Москва, 1972, стр. 114.

<sup>15</sup>Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Дарслик. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1973, 363 бет.

профессорлар сабоқ берганлар. Бу ерда айниқса Джон Виклеф ва унинг ўқувчиларининг таъсири катта бўлган.

XIV асрда Оксфорд университетида табиий билимларни ўрганишга асосланган шарқ фани ва фалсафасининг, хусусан, Ўрта Осиёлик Ибн Сино ва араб Ибн Рўшднинг таъсири катта бўлган. Кейинчалик уларнинг фалсафий қарашлари машхур инглиз файласуфи Роджер Бэкон дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Аммо университетлар ўз фаолиятларида доимо муваффақият билан ишлаган эмас. Эслатиб ўтиш жоизки, XIV аср охирига келиб Европада фан тараққиёти билан боғлиқ равишда эркин фикрнинг кучайиши черков билан университетларни тўқнаштирди. Фалсафанинг тушкунликка учраши ва черков жаҳолатининг кучайиши натижасида талабалар сони кескин камайиб кетди.

XVI асрда Кембридж ва Оксфорд университетлари энг йирик гуманизм маданияти марказларига айланди. Оксфордда “Ёш гуманистлар жамияти” деб аталган жамият мавжуд эди. Умуман инглиз университетларида гуманистик қарашлар ва гуманистик фанлар XV аср ўрталарида алоҳида бир кўтаринкилик билан ривожлана бошланган. Антик ёзувчиларнинг асарларига нисбатан қизиқиш уйгонди. Лотин ва грек муаллифлари асарлари инглизчага таржима қилина бошлади. Университетлар кенгайди ва уларнинг кутубхоналаридаги китобларнинг сони кўпайди. Бу силжишлар XVI асрда Англияда гуманизмнинг гуллаб яшнашига олиб келди.

XVI асрда айниқса Кембридж университети катта шуҳратга эга эди. Бу университетнинг шуҳратининг ёйилишида Томас Морнинг хизмати алоҳидадир. Томас Мор тўғрисида бу университет билан Эразм

Роттердамскийнинг ҳам фаолияти боғландики, бу ўз навбатида университетнинг нуфузини янада мустаҳкамлади<sup>16</sup>.

---

<sup>16</sup>Пиримқулов Шодмонкул. Ўрта асрларда Англия(Ўқув кўлланма). – Тошкент Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003, 146-бет.

## Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент, "Шарқ" НМК, 1998, 28-бет
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008, 105, 119-бетлар.
3. Жалилов С. Ватанимиз тарихини varaқлаб (Тарихчининг ўйлари). – Андижон, "ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA" OAJ, 2004, 8-бет.
4. Фомченко А.П. "Ўрта асрлар тарихи" курсига доир методик кўрсатмалар. "Ўқитувчи", Тошкент, 1973, 100-101 бетлар.
5. Советская историческая энциклопедия. В 16-ти томах. Т.14, Москва, 1973, стр. 808
6. История средних веков: В 2 т. Т.1: Учебник. – М.: Изд-во Моск. Ун-та: Наука, 2005, с. 595
7. Арнольд из Виллановы. Салернский кодекс здоровья. Приложение. М., изд-во «Наука», 1970, с.77
8. Петр Абеляр. История моих бедствий. М., изд-во «Наука», 1959, с. 44-45
9. Қурбанғалиева Р. Ўрта асрлар тарихидан ўқув-методик қўлланма. Тошкент, "Ўқитувчи", 1980, 142-бет.
10. Суворов Н.С. Средневековые университеты. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012, с.109
11. Степанова В.Е. и Шевеленко А.Я. История средних веков (XV – XVII вв.). Хрестоматия. ч.П.М., "Просвещение", 1974, стр. 60.
12. Юридик энциклопедия. – Т.: "Шарқ", 2001, 272-бет.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2005 йил, 105-бет
14. История Франции. В трех томах. Том 1. Издательство "Наука", Москва, 1972, стр. 114.
15. Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Дарслик. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1973, 363 бет.

16.Пиримкулов Шодмонкул. Ўрта асрларда Англия(Ўқув қўлланма). – Тошкент Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003, 146-бет.

Интернет – сайтлар:

1.[www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

2.[www.bestreferat.ru](http://www.bestreferat.ru)

3.[www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

**Мавзу: Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан  
ва таълим тарихи(ХII-ХV асрлар).**

**РЕЖА:**

Кириш.

I – боб. Дастлабки университетларнинг вужудга келиши.

II – боб. Университетларнинг ташкилий тузилиши.

III – боб. Университетларда таълим ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши.

IV – боб. Ривожланган ўрта асрларда Европада фаннинг ривожланиши.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.